

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336

ЭРГАШЕВ АЗИЗ ОРТИҚМИРЗАЕВИЧ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда
лизингни қўллаш муаммолари (Наманган вилояти мисолида)
5А340201- Менежмент (саноат ишлаб чиқариши)

Магистр
Академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Р.Исмамов

Наманган - 2009

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БОБ БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Кичик бизнес фаолиятининг назарий - услубий асослари	11
1.2. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари	19
1.3. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш босқичлари	27
II НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БОБ КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	34
2.1. Наманган вилоятида кичик ва хусусий бизнесни ривожланишининг устивор масалалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	34
2.2. Наманган вилоятида кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланганлик ҳолати таҳлили	40
2.3. Наманган вилояти қурилиш тармоғида кичик бизнесни ривожлантириш	53
III ЖАХОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА БОБ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	59
3.1. Наманган вилояти қурилиш тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқарувини такомиллаштириш	59
3.2. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали уни самарадорлигини ошириш	63
3.3. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш	67
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	78
Фойдаланилган адабиётлар.....	83

Аннотация

Эргашев Азиз Ортиқмирзаевич «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизингни қўллаш муаммолари» мавзусидаги диссертацияда бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда миллий иқтисодиёт тармоқларида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот ишининг услубий ва назарий асоси, ишнинг таркиби ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида кичик бизнес фаолиятининг назарий - услубий асослари, хорижий давлатлар тажрибалари, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш босқичлари ёритилган.

Иккинчи бобида қурилиш тармоғида кичик ва хусусий бизнесни ривожланишининг устивор масалалари, корхоналарнинг ривожланганлик ҳолати таҳлили ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Учинчи бобида эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқарувини такомиллаштиришда самарадорлигини ошириш инвестицион лойиҳалари, хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш йўналишлари қуриб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда миллий иқтисодиёт тармоқларида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг мазкур соҳасида эришилаётган ижодий ўзгаришлар, республикада уни жадал ривожлантириш имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради.

Шу боисдан ҳам, республика ҳукумати хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш йўлида, уларнинг ташаббусини рағбатлантириш учун барча зарур шарт шароитлар яратиб бermoқда. Бу ташаббус ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес кун сайин янги босқичларга кўтарилmoқда.

2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва аynи пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Натижада сўнги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарoйиб 400 мингтани ташкил этди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Бунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатда иш билан банд

бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.¹

Кичик бизнес фаолиятига оид бошқарувни такомиллаштириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва бозор иқтисодиётидаги фаолиятини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Асосий муаммолардан бири кичик бизнес фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имкониятларни ишга тушириш, улар фаолиятини тартибга солиш муаммолари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юқорида кўрсатилган вазифаларни маълум даражада ҳал қилишга йўналтирилган магистрлик диссертациясининг мавзуси ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида кичик бизнес муаммоларига катта аҳамият берилган. Бу муаммони ўрганишга Л.Аллен, Р. Акофф, С.Л.Брю, Ж.Веттон, Э.Ж. Долан, П.Друкер, Д. Линдсей, К.Р. Макконелл, К.Ховард ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Ушбу масалалар МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари асарларида ҳам кенг таҳлил қилинган, жумладан Л.И.Абалкин, А.О.Блинов, Э.П.Горбунов, Б.Р.Ичитовкин, Н.П.Лшиналар тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш лозим. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари Ё.Абдуллаев, С.Э.Вохидова, Б.А.Эркаев, Н.М.Махмудов, М. Шарифхўжаев, В.М.Шепелев, М.Л.Турсунхужаев, О.Х.Хикматов, Т.Эргашев, С.Ғуломов, О. Арипов каби олимларимиз кичик ва бизнесни ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий ва услубий томонларини ёритишда ўз хиссаларини қўшишган.

Шу билан бирга кичик бизнес ривожланишини тартибга солишнинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд ҳамда

¹ Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби» Президент И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мылжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Turkiston. 14-феврал, 2009 йил № 11.

иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бориши билан янги назарий ва амалий муаммолар вужудга келади. Ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжудлиги магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда миллий иқтисодиёт тармоқларида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда магистрлик диссертациясида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес фаолиятининг назарий ва услубий масалаларини кўриб чиқиш;
- кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш;
- иқтисодиётни қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- кичик корхоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича ташкилий иқтисодий механизмларни такомиллаштириш ҳамда таклиф ва тавсияларни асослаш;
- мазкур корхоналар фаолиятида бошқарувни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг объекти сифатида Наманган вилояти иқтисодиётининг тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес корхоналари белгиланган.

Тадқиқот предмети сифатида Наманган вилояти иқтисодиётини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес корхоналари ўртасидаги мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.

Тадқиқот ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат

иқтисодий сиёсатига оид асарлари; қурилиш соҳасида кичик бизнесни ривожланишига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари; Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, вилоят Савдо ва саноат палатаси, Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

Илмий изланишлар натижасида қўйидаги илмий янгиликлар олинди :

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес фаолиятининг назарий ва услубий масалалари очиб берилди;
- кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйичатавсиялар ишлаб чиқилди;
- иқтисодиётни қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланди;
- кичик корхоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича ташкилий иқтисодий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- қурилиш соҳасида кичик бизнесни бошқарувини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда уларни бошқариш юзасидан ишлаб чиқилган концептуал ёндашувдан Наманган вилояти иқтисодиётининг турли соҳаларида кичик ва хусусий корхоналарни истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, “Иқтисодиёт”, “Менежмент” таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга “Кичик бизнесни бошқариш”, “Тадбиркорлик асослари” фанларини ўқитишда, ҳамда

вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Апробация ва тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Магистрлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижалари Наманган муҳандислик-педагогика институти ва Наманган Давлат Университетида 2008-2009 йилларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Нашр ишлари. Магистрлик диссертацияси бўйича 0,6 босма табоқдан иборат 2 та илмий ишлар нашр этилган

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

I-Боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес фаолиятининг назарий - услубий асослари

Кичик бизнеснинг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш узок йиллардан буён долбзарб аҳамият касб этиб келаётган масалалар – “кичик бизнес”, “ўрта бизнес” тушунчалари ва уларни белгилаш тартиби муаммоларини кўриб чиқишни тақозо этади. Қайд этилган масалалар нақадар аҳамиятли бўлмасин ва узок вақтлардан буён бу борада қизғин баҳс-мунозаралар бормасин ҳали ўзининг узил-кесил ечимини топгани йўқ.

“Кичик” ёки “ўрта бизнес” тушунчаларини ўрганар эканмиз, унинг илмий асосланган ва умумқабул қилинган ягона таърифи йўқлигини гувоҳи бўламиз. Нафақат ҳар бир мамлакатда, балки бир мамлакат ичидаги турли хужжат ва адабиётларда ҳам бу атаманинг бир-биридан фарқ қилувчи турли талқинларини учратиш мумкин.

Илмий адабиёт ва манбаларда келтирилган турли таърифлар орасида уларни ажратиб турувчи умумий хусусиятларга асосланувчи бир неча таърифларни фарқлаш мумкин.

Масалан, «**Язык бизнеса**» деб номланувчи атамалар луғатида «кичик бизнес (ингл. Small business) - кичик корхоналар мажмуининг иқтисодий фаолияти» деб таърифланади. А.Мулдахмедов эса «кичик бизнес тушунчасида кичик ва ўрта фирмалар маълум қисмининг хусусиятли белгилари бирлаштирилади» деб таърифлайди. Кичик бизнесга бу каби таърифлар бошқа иқтисодчилар томонидан ҳам берилган²

Айрим мутахассислар кичик бизнесни майда ва ўрта тадбиркорлик шакли сифатида ифодалядилар.

2.Буянкина А. Н. Развитие малого бизнеса в условиях перехода к рынку: Автореф. дисс. д. э. н. (08.00.05.).Рос. академия упр.-М., 1992. 25 стр.

Демак, кичик бизнес тушунчасини ифодалашнинг бу каби таърифлари ҳар бир мамлакатнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади ва бу соҳа таркибига мамлакатда фаолият кўрсатаётган маълум қўламдаги корхоналарнинг гуруҳлари киритилади.

Кичик бизнес ёки кичик ва ўрта корхоналар чегараларини аниқлаш тартиби, уларнинг имкон қадар тўла ва асосли ифодаловчи мезонларни белгилаш, юқорида таъкидлаганидек, ўта долбзарб услубий муаммолардан бири ҳисобланади. Мезонлар - бу ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг муайян тарихий чегарасида сифат ва миқдорий муносабатда белгиланган ва ўрнатилган ўзига хос мақсадли дастурдир³. Манбаларда келтирилишича, жаҳоннинг 75 мамлакатида кичик ва ўрта корхоналарни тавсифлашда мезон ролини бажарувчи 50 дан ортиқ турли статистик кўрсаткичлар қўлланиб келинмоқда. Мезонлар таркибидаги кўрсаткичларнинг бу қадар кўп ва хилма-хиллиги кичик бизнес соҳасини белгилашнинг турлалигида келиб чиқади.

Шунга қарамай, мезонларнинг ўзини ҳам умумий хусусиятларига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Миқдорий мезонлар гуруҳи бу муаммога нисбатан кўпроқ даражада аниқлик кирита олиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, етакчи аҳамият касб этади. Бу гуруҳдаги кўрсаткичларнинг умумий белгиси - иқтисодий ходиса ва жараёнларни, бизнинг мисолимизда эса, кичик бизнес соҳасини белгилаб беришда унинг қайсидир бир жиҳатига миқдорий аҳамият бахш этиш ҳисобланади.

Кўплаб адабиётларда миқдорий мезонлар орасида асосий ва етакчи ўрин корхона кўламига берилади. Корхона кўлами (ҳажми) - бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилувчи корхонада тўпланган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг миқдоридир. Корхона кўлами ҳаракатдаги ишлаб чиқариш аппаратини, яъни меҳнат воситалари ва иш кучининг миқдорини акс эттиради. Корхона кўламини белгилашда унда банд бўлган ходимлар сони устун равишда қўлланиб, бунинг сабаби турли мутахассислар

3.Мулдахметов А.З. Малый бизнес: формирования, эффективность и пути развития (на материалах регионов Казахстана): Автореф. Дисс. к.э.н. (08.00.05.) // Караганда, 1996.

томонидан турлича изоҳланади. Жумладан, “корхоналарнинг кўламини таққослашда уларда банд бўлганлар сони умумий халқаро мезон бўлиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич амалиётда қўллаш учун жуда соддадир”. Ёки “барча миқдорий мезонлар ичида муаллиф ишлаб чиқариш ходимлари сони кўрсаткичини устунроқ деб билади, чунки айнан ишловчилар сони қолган кўрсаткичларни (маҳсулот ҳажмини ҳам, фойдаланилаётган асосий фондлар қийматини ҳам, қўлланилаётган капиталнинг фойда меъёрини ҳам) белгилаб беради”⁴. Яна “иш билан банд бўлганлар сони кўрсаткичининг устунлиги шундаки, унинг асосида халқаро таққослашларни амалга ошириш жуда қулай. Шу билан бирга шундай асосли далилни ҳам ҳисобга олиш керакки, фан техника тарққиётининг ривожланиб бориши билан бу кўрсаткичлар қўлланишининг бир хиллиги (айниёлашганлиги) тобора камайиб боради”.

Миқдорий ёндашувда таҳлил қилиш осон амалга ошувчи кўрсаткичлар: иш билан банд бўлганлар сони, сотиш ҳажми (айланма), баланс қиймат ёки бу кўрсаткичларнинг комбинацияси қўлланилади. Европа Ҳамжамияти услубиёти бўйича (I.1-жадвал) миқдорий белгилашнинг асосий афзаллиги улардан фойдаланишнинг қулайлиги билан боғлиқ, бироқ бунда у ёки бу кўрсаткич ҳамда унинг ўзгариш чегараларини танлашни белгилаб берувчи назарий таҳлил етишмайди.

I.1-жадвал

Европа Ҳамжамияти услубиёти бўйича кичик ва ўрта бизнес кўламини белгилаш^{*}

Корхоналар	Ишловчилар сони, киши	Йиллик оборот, млн. экю	Баланс, млн. экю
Кичик	50 гача	4 гача	2 гача
Ўрта	50-250	16 гача	8 гача

Шундай қилиб, корхонада банд бўлган ходимлар сони кичик ва ўрта бизнесни белгилаш миқдорий кўрсаткичларининг энг муҳими ҳисобланади. Хорижий адабиётларда кичик ва ўрта бизнесга, одатда, ишловчиларнинг

⁴ Зарембов Ю. О собственности в современной экономике. // Экономист. №7 1996. стр. 86-87.

^{4*} Шепелев В. Форма деятельности разная, а сущность одна // Частная собственность, №44. 1997. с.-6.

сони 1 дан то 500 кишигача бўлган корхоналарни қуйидагича чегаралаш орқали киритилади, яъни: 1 дан 20 кишигача - ҳунармандчилик корхонаси, 20 дан 100 гача - кичик, 100 дан 500 кишигача - ўрта корхона. Турли мамлакатларда кўлам жиҳатидан тузилиш чегараларга ажратишнинг турли даражаси орқали намоён бўлади. Масалан, кичик тадбиркорликнинг аҳамияти жуда катта бўлган Японияда мазкур соҳадаги корхоналарнинг 7 та гуруҳи ажратиб кўрсатилади: 1 дан 4 кишигача, 5 дан 9 кишигача, 10 дан 29 гача, 30 дан 49 гача, 50 дан 99 гача, 100 дан 299 гача ва 300 дан 499 кишигача.

Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишловчилар сони корхона ҳажмини тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланса-да, унинг ўзини алоҳида ҳолда қўллаш ҳеч қачон кутилган натижани бермайди. Чунки “саноатнинг ҳар қандай тармоғи учун мутлоқ мезон бўлган ягона статистик кўрсаткич мавжуд эмас. Ҳар қандай устунликларга эга бўлмасин, битта кўрсаткичнинг ўзи ўрганилаётган предмет тўғрисидаги тўлиқ тасаввурни бера олмайди”. Бундан ташқари, мазкур кўрсаткичларни белгилашнинг муракаблиги авваламбор шунда намоён бўладики, улар миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари учун бир хилда аҳамият касб этмайди. Масалан, хизмат кўрсатиш ёки савдо соҳасида йирик ҳисобланувчи корхоналар қайта ишлаш саноатида ўрта, ҳаттоки майда корхона ҳисобланиши, шунингдек, озиқ - овқат саноатидаги ўрта корхона ўзининг миқёсий тавсифларига кўра кўмир казиш саноатида майда корхона ҳисобланиши мумкин.

Шунга кўра, ўз вақтида иқтисодчи М.Дерябина ҳам корхона миқёсини белгилашда ходимлар сонининг ўзи етарли эмаслигини кўрсатиб берган эди. Шунинг назарда тутиш лозимки, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг ҳозирги даражасида айниқса янги, яхши жиҳозланган корхоналарда ходимлар сони доимо ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқёсларини акс эттира олмайди. Шунинг учун Европанинг бир қатор мамлакатларида корхона ўлчамларини тавсифлаш учун ходимлар сони кўрсаткичи билан бир қаторда, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулот

ҳамда ишлаб чиқариш фондлари ҳажми кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Жумладан, Германияда кичик ва ўрта корхоналар сонини тавсифловчи миқдор мезонлари иккита кўрсаткичга асосланади: йиллик айланма ҳажми ва иш билан банд бўлганлар сони (шунингдек, мазкур корхонанинг капиталида бошқа фирма ва ташкилотларнинг иштироки даражаси 1/3 дан ортмаслиги лозим). Бу услубиётга мувофиқ, миллий иқтисодиётнинг мазкур соҳасига қуйидагилар киритилади:

1.Ўзига ҳос фирма сифатидаги барча эркин касб эгалари (врачлар, нотариуслар, солиқ, реклама ва бошқалар бўйича маслаҳатчилар, аудиторлар, педагоглар, матбуот ва санъат ходимлари, мустақил фаолият юритувчи муҳандислар ва ҳоказо).

2.Ишловчилар сони 1 дан 49 кишигача ҳамда йиллик айланмаси 1 млн. маркагача бўлган кичик корхоналар.

3.Ишловчилар сони 50 дан 499 кишигача ҳамда йиллик айланмаси 1 млн.дан 100 млн. маркагача бўлган ўрта корхоналар.

Шунингдек, АҚШда йиллик айланма миллион доллардан ошмаса кичик бизнес ҳисобланади. Япониянинг кичик ва ўрта корхоналар бўйича Оқ китоби капитали 10 дан 100 млн. иенгача бўлган компанияларни кичик ва ўрта, 100 млн. иендан юқорисини эса йирик корхоналар таркибига киритади.

Шундай қилиб, миқдорий мезон кўрсаткичлари ҳам турлича бўлиб, Е.Диченко уларни 2 гуруҳга ажратади: асосий кўрсаткич - иш билан банд ходимлар сони, ва ёрдамчи кўрсаткичлар: товар ва хизматлар сотишнинг йиллик ҳажми, капитал миқдори, йиллик айланма, товар айланмаси ва ҳоказо.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлил натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

“кичик” ёки “ўрта бизнес” тушунчасини ифодалашга ҳар бир мамлакатнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади ва бу соҳа таркибига мамлакатда фаолият кўрсатаётган маълум қўламдаги корхоналар гуруҳлари киритилади;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тавсифлашда миқдорий ва сифатли мезонлар гуруҳига ҳам асосланиш лозим;

кичик ва ўрта бизнес ривожланишига таъсир этувчи объектив омиллар ва жараёнларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим:

а) жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ишлаб чиқариш ихтисослашуви кучайиши, ишлаб чиқариш дифференциясининг кучайиши, фонд билан куролланганлик даражасининг ортиши фан ютуқларидан фойдаланиш салмоғи юқори бўлган кичик кўламдаги тажриба ва синов ишлаб чиқаришлари аҳамиятининг ортиб бориши каби жараёнлар;

б) мамлакатлар иқтисодий ривожланиши жараёнида юзага келувчи умумий омиллар, яъни бозорнинг сегментларига бўлиниши, истеъмолчиларнинг маълум тор гуруҳига мўлжалланган маҳсулотларга эҳтиёжларнинг ортиши;

в) барча турдаги ресурсларни тежаш ва капитал айланишни тезлаштириш заруриятининг вужудга келиши;

г) айрим мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган омиллар, яъни ривожланаётган мамлакатларда жадаллашган тарзидаги саноатлаштиришга бўлган эҳтиёж; янги иш жойларини яратиш зарурияти, ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва марказлашувдан қайтиш; мулкчилик муносабатлари, тадбиркорлик фаолиятига бўлган ёндашувларнинг ўзгариши.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожланиб, ўз имкониятларини тобора кенгроқ руёбга чиқариши жаҳон иқтисодиёти таркибидаги сифат ўзгаришлари билан изоҳланиб, бу ўзгаришлар йўналишлари кўплаб мутахассислар томонидан кўриб чиқилган. Жумладан, кичик ва ўрта корхоналар соҳаси самарали амал қилишига имкон яратувчи ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимидаги миқёс жиҳатидан янги тузилмалар шаклланишига таъсир этадиган объектив омилларини белгилаб берувчи жаҳон иқтисодиётидаги бир қатор жараёнларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим:

а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, шунингдек қўлланилаётган асбоб-ускуналар бўйича ишлаб чиқариш ихтисослашувининг ўсиши;

б) кўплаб тармоқларда якка ҳукмронлик даражасининг пасайиб бориши билан ишлаб чиқариш диверсификациясининг кучайиши;

в) фонд билан қуролланганликнинг юқори суръат ва даражаси, унча катта бўлмаган қувват бирликлари шароитида юқори меҳнат унумдорлигига эришишнинг технологик имкониятлари;

г) ишлаб чиқариш материал сиғими ва энергия сиғимининг, шу жумладан маҳаллий ҳамда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш ҳисобига пасайишининг ўсиб боровчи аҳамияти;

д) тез мослашувчан ишлаб чиқариш технологиялари тақозо этувчи юқори сифатли маҳсулотларга бўлган ижтимоий талабнинг кўпайиши;

е) фан-техника ютуқларидан фойдаланиш салмоғи юқори бўлган кичик кўламдаги тажриба ва синов ишлаб чиқаришлар аҳамиятининг ортиб бориши.

Кичик бизнеснинг вужудга келиши ва ривожланиши, ҳам умумий тавсиф, ҳам турли конкрет мамлакатларга тааллуқли бўлган махсус тавсиф касб этувчи маълум объектив сабаблар билан шартлангандир.

Бу сабабларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

бозорнинг сегментларига бўлиниши, истеъмолчиларнинг маълум доираларига мўлжалланган маҳсулотларга эҳтиёжларнинг кучайиши;

ялпи ва кўплаб серияли ишлаб чиқаришга эга йирик корхоналар учун тўлдириш манфаатли бўлмаган “иқтисодий бўшлиқ”ларнинг пайдо бўлиши;

компютер техникасининг такомиллашуви натижасида кичик ва хусусий корхоналар амалиётига замонавий ахборот ва бошқарув тизимларини тадбиқ этишга имкон яратилиши;

ёқилғи-энергетика ва хом ашё муаммосининг кескинлашуви натижасида барча турдаги ресурсларни тежаш ҳамда капитал қўйилмаларнинг копланишини тезлаштириш йўналишининг белгиланиши;

янги иш ўринларини яратишнинг зарурлиги;

меҳнат бозорида иш билан банд бўлган аҳолидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш вақтининг имтиёзли тартиби ҳисобига

аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш йўллари қидириш заруриятининг тақозо этилиши;

қатор мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва марказлашуvidан қайтиш;

мулкчилик, тадбиркорлик ва ташаббусга бўлган муносабатларнинг ўзгариши.

Шундай қилиб, иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодиёти таркибига кўра турлича бўлган жаҳон мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш зарурияти ва бир қатор объектив сабаблар кичик ва хусусий бизнес соҳасининг кенг ривожланиши учун имкон яратди.

Кичик ва хусусий бизнеснинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти бу соҳа томонидан амалга оширилувчи вазифалар орқали намоён бўлади. Бундай вазифаларни турли-туманлиги эса кичик ва хусусий бизнес соҳасининг ҳам жаҳондаги барча мамлакатлар учун, ҳам ўз хусусиятлари билан ажралиб турувчи ҳар бир алоҳида мамлакат учун қандайдир даражада аҳамият касб этишидан дарак беради.

Японияда кичик корхоналар негизида «Хонда», «Санио», «Ниссан» ва бошқа шу каби энг замонавий илмий йўналишдаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва жаҳон бозорида рақобатбардош фирмалар етишиб чиқди.

Ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан тежамли бўлиши ўз навбатида, табиийки, даромадни ҳам юқори бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқариш миқёслари жиҳатидан йирик ишлаб чиқариш олдидаги имкониятлари анча чекланган бўлишига қарамай, АҚШлик мутахассисларнинг маълумотига кўра, кичик фирмага қўйилган бир доллар йирик фирмага нисбатан 17 баробар кўпроқ даромад келтиради ⁵

Кичик бизнеснинг ривожлантирилишига хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимининг салбий оқибатларини бартараф

⁵ Краюхин Г.А., Гурорье А.Д. и др. Малые предприятия в условиях рынка. Т.: Узбекистан, 1991. 192 стр.

этишдаги асосий йўналишлар сифатида ҳам қараш мумкин. Жумладан, айнан маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида нотўғри юритилган ижтимоий сиёсат оқибатида йирик шаҳарларда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд тўпланиши, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг паст даражада қолиши табақалашувни кескинлаштирди. Айниқса мамлакатимиздаги кўплаб кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасига салбий таъсир кўрсатди. Республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда жойлашганлигига қарамай, мавжуд ортиқча иш кучи учун янги иш жойларини ташкил этиш муаммоси ҳал этилмади. Шунга кўра бу муаммони асосий ва тезлик билан ҳал этиш йўлларида бири - кичик ва хусусий корхоналарни, айниқса, саноат ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарни ташкил этишдир.

1.2. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари

Бугунги кунда кичик ва хусусий бизнеснинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Агар бизнинг республикамызда бу соҳага бўлган эътибор асосан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаларига боғлиқ ҳолда кенг авж олган бўлса, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кичик ва хусусий бизнеснинг устувор аҳамиятларини тан олиш ҳамда уларни ривожлантириш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш анча илгари бошланган эди. Масалан, АҚШда 1953 йили “Кичик бизнес тўғрисида” Қонун қабул қилиниб, унда: “Мамлакатнинг ҳавфсизлиги ва фаровонлиги кичик ва ўрта бизнеснинг мавжуд ва салоҳиятли имкониятларини ривожлантириш ва рағбатлантиришсиз таминланиши мумкин эмас” - деб таъкидланган эди.

Умуман, кўпчилик хориж мамлакатлари иқтисодиётида кичик ва хусусий бизнеснинг ўрни ва ҳиссаси жуда салмоқлидир. Бу биринчи

навбатда кичик ва хусусий корхоналар сони, унда банд бўлган ходимлар сони ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ҳиссаси билан аниқланди.

Францияда майда ҳамда кичик ва хусусий бизнес корхоналари бир-биридан тафовутланиб, майда бизнес ҳиссасига барча корхоналарнинг 90,3 фоиз ва иш билан банд ходимларнинг 20 фоиз, кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига эса барча иш билан банд ходимларнинг 47,9 фоиз тўғри келади. Саноатда янги корхоналарнинг 97 фоиз кичик ва ўрта бизнесга тўғри келади. Кичик ва ўрта бизнеснинг роли қурилишда, савдода, меҳмонхона хўжалиги ва умумий овқатланишда, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида айниқса юқоридир. Кичик ва ўрта бизнеснинг рўйхатдаги ҳар иккинчи ходими савдода ишлайди. Инженер-қурилиш ишлари соҳасида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига товар айланмасининг ярми тўғри келади. Голландияда кичик ва ўрта корхоналар соҳаси барча хусусий корхоналарнинг 98,5 фоизини қамраб олади, бундан 90 фоизи кичик корхоналар сирасига киради. Кичик ва ўрта корхоналарда хусусий секторда банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликнинг нисбатан юқори даражаси бўйича Нидерландия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида етакчи ўринни тутди.

АҚШда кейинги йилларда кичик корхоналар (сотишдан тушган маблағ миқдори 19 минг долларгача бўлган корхоналар) сони икки баравар кўпайди ва 10 млн.га етди, барча корхоналарнинг 95 фоизи кичик корхоналардир. Кичик бизнес ялпи миллий маҳсулот ўсишининг ярмини ташкил этади. Агар 80-йилларда 50 та йирик корпорация 3,5 млн. иш ўрнини қисқартирган бўлса, кичик бизнес соҳасида 20 млн. янги иш ўрни ташкил этилган эди. 1988-1990 йилларда янги иш жойларининг ўсиши тўлалигича кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Бир қатор экспертларнинг фикрича, кичик фирмалар иш фаоллигининг пасайиши мамлакатда иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши мумкин⁶.

⁶ Абатуров В. Малый и средний бизнес в Корее. // Частная собственность. №24 (212), 1999. 11стр.

Буюк Британиядаги фирмаларнинг деярли 96 фоизи кичик бизнес соҳасига тааллуқли ҳисобланади. Уларга барча ишчи кучининг 25 фоизи ҳамда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг тахминан 20 фоизи тўғри келади.

Германияда 2 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг қарийиб 75 фоизи машғулдир. Бу корхоналар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 50 фоизини етказиб бермоқда ⁷

Умуман олганда, кичик ва ўрта саноат корхоналари халқаро федерациясининг ҳисоб-китобларига кўра кичик корхоналар ҳиссасига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тахминан 50 фоизи, капитал қўйилмаларнинг эса 30 фоизидан кўпроғи тўғри келади. Кичик бизнес ҳисобига АҚШ, Германия, Англия, Италия, Япония каби мамлакатларда иш ўринларининг 2/3 қисми яратилади.

1.2-жадвалдан кўриш мумкинки, одатда, барча иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи майда ва кичик корхоналарда ишлайдилар. Кичик корхоналарнинг инвестициялар, қўшилган қиймат ва оборотнинг умумий ҳажмидаги улуши 20 дан то 60 фоизгачани ташкил этади, яъни жуда салмоқлидир.

Хорижий давлатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасининг бу қадар салмоқли эканлиги асло унинг ўз ривожланишида ҳеч қандай тўсиқ ва муаммолар йўқлигини билдирмайди. Бу соҳанинг ривожланишида ўзига ҳос муаммолар мавжуд. Жумладан:

кўпинча ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш учун талаб қилинувчи хусусий маблағлар ҳажмининг етарли бўлмаслиги;

бундай корхоналарнинг бозор конъюнктурасининг ўзгаришига ўта сезгирлиги ва боғлиқлиги;

ўта қаттиқ рақобат шароитида фаолият кўрсатишнинг зарурлиги;

⁷ Рузметов Б. Большой экономике без малой не обойтись. // Частная собственность. №9 (93), 1997. 12 стр.

кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг айниқса фаолиятнинг янги соҳаларидаги фирмаларнинг доимий равишда юқори таваккалчилик шароитига амал қилиши;

ташкил топиш давридаги қатор тўсиқ ҳамда қийинчиликлар ва ҳ.к.

I.2-жадвал

Турли ҳажмдаги корхоналар бўйича иш билан банд бўлганларнинг тақсимланиши*
(иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонига кўра фоизда)

Давлатлар	корхоналарнинг ҳажми				
	жами корхоналар	шу жумладан			
		ўта майда	кичик	Ўрта	йирик
Австрия	100,0	33,6	27,9	23,1	15,4
АҚШ	100,0	26,1	28,4	24,0	21,5
Бельгия	100,0	22,1	22,6	26,0	29,0
Буюк Британия	100,0	26,1	22,6	26,1	25,2
Италия	100,0	43,4	30,4	14,2	12,1
Франция	100,0	32,1	28,0	23,4	16,5
Япония	100,0	49,4	27,7	14,8	8,2

Шунга кўра, деярли барча мамлакатларда кичик бизнеснинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш, фаолият учун қулай шароит яратиш ҳамда турли тўсиқлар таъсирини чеклаб туриш мақсадида давлатнинг махсус сиёсати ишлаб чиқилган. Жумладан, Европа Иттифоқи доирасидаги кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан давлат сиёсатининг асосий мақсадларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши учун қулай бозор шароитларини яратиш;

бозор муносабатларида томонларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилигини қўллаб-қувватлаш;

рақобат муҳитини ҳамда иқтисодий фаолликнинг ҳаракатчанлигини таъминлаш;

янги иш ўринларини, айниқса ишсизлик муаммоси кескинлашган ҳудудларда барпо этиш;

* БлиновА. Региональная система поддержки малого предпринимательства в России. -Автореферат на соиск. д.э.н. М., 1994.

рақобатнинг кескинлашуви натижасида келиб чиқувчи ижтимоий оқибатларни, сарф-ҳаражатларни камайтириш.

Голландияда кичик бизнесга нисбатан давлат сиёсатидаги асосий ҳолат бўлиб шундай қоида ҳисобланадики, унга кўра тадбиркор ўз фаолияти учун тўла жавобгар бўлади, ҳукумат эса ёрдамчи ролни ўйнайди.

Францияда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади бандликни ошириш ва рақобатбардошликни ўстиришдан иборат. У ўз ичига бевосита тартибга солишни, иш муҳитини яхшилашни, билвосита ёрдамнинг турли кўринишларини олади.

Германия кичик ва майда корхоналарга нисбатан юргизаётган давлат сиёсати уларнинг рақобатбардошлигини ошириш тадбирларига, турли солиқ-молиявий имтиёзларга, шунингдек, уларни иқтисодиётда бўлиб ўтаётган таркибий ўзгаришларга мослашишга асосланади. Бунда давлат йирик корхоналар билан рақобатлашиш учун тенг шароитлар яратиб беришга интилади.

АҚШ ҳукумати сиёсатида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаттоки, Америка иқтисодиётининг ривожланишида унинг хизматларини эътироф этиш сифатида махсус умуммиллий кичик бизнес кунлари ўтказилади. Кичик тадбиркорликнинг ривожланишига давлат томонидан ёндашувининг асоси - солиқларнинг паст даражаси ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги тўла эркинлигидир. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш мақсадида ҳукумат томонидан ҳар йили 7 млрд. АҚШ доллари атрофида маблағ ажратилади. Сўнгги йилларда йирик корпорациялар томонидан айнан кичик ва ўрта корхоналарда самарали бажарилувчи иш ва хизматларнинг баъзи турларини уларга топшириш бўйича сиёсатнинг қўлланиши мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг роли ва аҳамиятининг ошиб боришига олиб келади.

Кичик бизнеснинг самарали ривожланишида давлат томонидан тартибга солиш сиёсати ишлаб чиқилишининг ўзи етарли эмас. Ҳар бир мамлакатда таркиб топган таркибий-бошқарв тузилмаларнинг ўзига хос

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бу сиёсатни самарали амалга оширувчи махсус ижрочи ва назоратчи идоралар тизими шакллантирилиши лозим. Жумладан, кичик ва хусусий корхоналар бўйича сиёсат учун бевосита жавобгарликни Нидерландия иқтисодиёт вазирлиги таркибидаги кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш ва бозорни тартибга солиш бўйича Бош директорат олиб боради.

Италияда сўнгги йилларда юқори ҳавф-хатар билан боғлиқ бўлган капиталга эришиш имконияти бор корхоналарни молиялаштиришга қизиқиш ортди. Шу мақсадда кичик ва ўрта корхоналарнинг ёпиқ турдаги инвестиция фондлари ташкил этилди. Бундай фондлар биржада рўйхатдан ўтмаган корхоналарга маблағларни қўядилар. Фонднинг капитали давлат облигацияси кўринишида инвестиция қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, бошқа ёпиқ фондлар томонидан чиқарилган акцияларга инвестиция қилиш ҳам таъқиқланади. Фондда ўз акцияларининг улушига эга бўлган компанияларнинг акцияларини сотишдан фойда олиш ёпиқ фонднинг мақсади ҳисобланади.

Нидерландияда эса, хусусий ишини бошловчилар махсус курсларда ўқиб, бизнес - режа тузиш, иш юртиш учун ахборот олиш ва шу кабилар бўйича маълумот олади.

Бу ерда “Мини - корхоналар фонди” ҳам амал қилиб, унинг вазифаси ўқиш давомида ўз кичик корхонасини очган 16-25 ёшдаги талабаларни қўллаб - қувватлаш ҳисобланади. Бошқа бир қизиқарли дастур, бир қанча йирик компаниялар томонидан молиявий ёрдам олиб, кичик корхоналарга бошқарувчи сифатида ёрдам берувчи нафакахўрларга ҳақ тўлашдан иборат.

Италияда касбий ўқитиш давлат томонидан молиялаштирилмайди. Италияда кенг тарқалган микрокорхоналарнинг ходимлари орасида билим, маҳорат ва тажриба бевосита иш жойида тўланади - ёш ходим тажрибани ўз ҳамкасбларидан ўрганади. Шундай қилиб, ўрганиш ўз - ўзидан юз берувчи ўзига хос жараёнга айланиб, у ҳеч қандай сертификатга эга бўлишга олиб келмайди.

Шундай бўлсада, Италияда ёш тадбиркорлар учун бир қатор имтиёзлар амал қилади. Улар томонидан ташкил этилаётган фирмалар молиявий жихатдан устунликларга эга бўладилар - уларга ажратилган маблағларнинг 50 фоиз гачаси асбоб - ускуналарни сотиб олишга йўналтирилса, 15 фоиз узоқ муддатли кредит кўринишида тақдим этилади. Яна улар учун ноишлаб чиқариш сарфларини қоплаш мақсадида икки йиллик ёрдам кўрсатилади.

Бу устунликлардан тўла меъёردа фойдаланиш учун корхона ташкил этиш ҳамда амалга оширилувчи лойиҳа ишлаб чиқариш керакки, унда шерикларнинг ёши кўрсатилиши, фирма фаолият кўрсатувчи бозорнинг таҳлили берилиши лозим. Фирманинг фаолияти устидан даврий аудиторлик назорати кўзда тутиладиги, қонуннинг қўпол бузилиши ҳолларида имтиёзлар бекор қилиниши мумкин.

Францияда технопарклар ёки инкубаторларни ташкил этиш бўйича умуммиллий сиёсати мавжуд эмас. Бу борада ташаббус маҳаллий ҳокимиятлар қўлида. Уларнинг турли кўринишлари мавжуд: ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари, хизмат кўрсатиш, ерни ижарага бериш ва ҳоказо.

Нидерландияда 36 та савдо палатаси мавжуд. Барча фирмалар савдо палатасида рўйхатдан ўтган бўлишлари ва ҳар йиллик бадални тўлашлари лозим. Палаталар ҳукуматдан субсидиялар олмайдилар. Улар асосий фаолликни консалтинг хизматлари кўрсатиш борасида намойиш этадилар. Бевосита ўқитиш, маслаҳат бериш ва кенгаш хизматларини кўрсатиш борасида 12 минтакавий институтлардан иборат тармоққа эга бўлган мустақил ташкилот-кичик ва ўрта корхоналар институти фаол шуғулланади.

Японияда 500 та маҳаллий савдо-саноат палатаси ҳамда уларнинг филиаллари кичик ва ўрта бизнесга турли кўринишдаги молиявий, маслаҳат бериш касбий жихатдан тайёрлаш ёрдамларини кўрсатадилар. Давлат кичик ва ўрта бизнес фаолиятини Кичик ва ўрта бизнес молиявий корпорацияси, Миллий молиявий корпорация ва “Соко-Чукин Банки” орқали бюджетда жамғарилувчи кичик корхоналарни қўллаб - қувватлашнинг махсус фонди ҳамда халқ фонди орқали молиялаштиради.

Шунингдек, Японияда кичик ва ўрта бизнес учун кенг имтиёзли солиқ тизими қабул қилинган бўлиб, у қуйидагиларни кўзда тутди: яқка тартибдаги компаниянинг солиқа тортилиши лозим бўлган даромадидан корхона эгаси ва унинг оила аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича шартли миқдорини (мазкур касб учун мамлакат бўйича ўртача ставка даражасида) чегириб ташлаш; кичик ва ўрта корхоналар учун солиқларнинг қуйи ставкалари; кичик корпорациялар фойдасининг бир қисmini солиққа тортишдан химоя қилиш. Агар компания давлатнинг устувор дастурларидан (ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, маҳсулотни илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш ва б.) бирида иштирок этса, қўшимча солиқ имтиёзларига эга бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилган кичик бизнесни ривожлантириш борасида хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, давлатнинг кенг миқёсдаги ҳар томонлама тартибга солиш тизимисиз бу соҳанинг самарали амал қилишига ўз имкониятларини намоён этилишига эришиб бўлмайди:

бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда кичик ва хусусий бизнес самарали ривожланишини давлатнинг иштирокисиз таъминлаб бўлмайди;

хорижий мамлакатлар тажрибаси давлат томонидан тартибга солишда ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий-иқтисодий тадбирларни камраб олиши зарурлигини кўрсатди;

бу тадбирлар ва уларни амалга ошириш воситалари мамлакатнинг миллий хусусиятлари, иқтисодиётнинг ҳолати, вужудга келган ижтимоий-руҳий вазият, иқтисодий маданият даражаси ва бошқа иқтисодий муҳит ҳамда сифат омиллари ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

Шунга кўра, ҳар бир мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, иқтисодиётнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиши ва доимий равишда такомиллашиб бориши керак.

1.3. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш босқичлари

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Республикамиз миллий иқтисодиётида кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Буни Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиш босқичларида кўриш мумкин. Ҳозирги кунга қадар, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг аста-секинлик билан босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади. Қуйида ушбу босқичларнинг ҳар бири хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар). Ушбу босқич кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва улар миқдорининг кескин суръатларда ўсиши билан тавсифланади. 1991-1995 йилларда Ўзбекистондаги кичик бизнес субъектлари 4,5 баравардан ортиқ миқдорда ўсган бўлса, улардаги иш билан банд бўлганлар сони деярли 2 баравар ошди. Кичик корхоналар асосан якка тартибдаги ва оилавий кичик корхоналар ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар сифатида ташкил этилди. Умуман олганда, бошланғич босқичда кичик бизнес субъектларининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

-Собиқ Иттифоқ даврида ноқонуний тарзда “яширин” фаолият кўрсатиб келган хусусий кичик бизнес бирликлари қонуний субъектларга айлантирилди;

-“кичик хусусийлаштириш” дастурининг амалга оширилиши натижасида савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизими ва бошқа тармоқлардаги кўплаб корхоналар хусусий тадбиркорлик субъектларига айлантирилди;

-1994 йилгача бўлган даврда мамлакатда ҳукм сурган нисбатан либерал иқтисодий муҳит таъсирида кичик бизнеснинг ривожланиши давлат томонидан етарли даражада тартибга солинмади, бошқача қилиб айтганда, кичик корхоналарнинг “ўз-ўзича” ривожланиш ҳолати кузатилди;

-қадимдан ўзбек халқига хос бўлган тадбиркорлик ва ишбилармонлик хусусиятларини қўллаб-қувватловчи, кичик (айниқса, оилавий) корхоналарнинг ривожланишига имкон яратувчи бир неча асрлик анъаналар қайта тикланди;

-ички истеъмол товарлари ва хизматлар бозорининг тўйинмаганлиги натижасида импорт соҳасидаги кичик тадбиркорлик ривожланди. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларининг миқдори бошқа ҳар қандай мулчилик шаклидаги корхоналарга нисбатан ички бозор талабларига тезда мослаша олиши билан юқори даражада ўсишга эришди ва ҳоказо.

Иккинчи босқич (1996-1999 йиллар). Ушбу босқичда республикадаги кичик бизнес субъектларининг ривожланиши олдинги босқичга қараганда маълум даражада сустрлашди. 1996-1998 йилларда кичик корхоналар сонининг қисқариши билан улардаги банд бўлганларнинг сони ҳам қисқарди. 1998 йилда бу кўрсаткич 1995 йилдагига нисбатан 54% ни ташкил этди. Бундай ҳолатни қуйидагича изохлаш мумкин:

иккинчи босқичда давлат инвестиция фаоллигининг ўсиши молиявий ресурсларнинг давлат сектори фойдасига қайта тақсимланишига олиб келди;

1996 йилнинг кузидан бошлаб импортни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг кучайтирилиши натижасида кичик корхоналарнинг импорт товарларга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидан кўрадиган даромадлилиги маълум даражада қисқарди;

фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишда давлат турли хил имтиёзли шарт-шароитларни яратиш орқали алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини қўллаб-қувватлай бошлади. Табиий равишда, бунда йирик корхоналарнинг ривожланишига эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасида кичик корхоналарнинг ривожланишига нисбатан кам ёндашиш ҳоллари кузатилди.

Умуман олганда, бу босқичда давлат фаоллигининг ўсиши, бир томондан, кичик бизнес субъектларининг фаолиятини қонуний жиҳатдан тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўп миқдорда қабул қилиниши, шунингдек, ушбу иқтисодий секторнинг ривожланишини қўллаб-

қувватлаш инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда намоён бўлса, иккинчи томондан, кичик бизнес фаолиятига давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг асоссиз аралашувининг маълум даражада ўсишида намоён бўлди. Бунинг оқибатида 1999 йилга келиб, Ўзбекистонда кичик корхоналарни ривожлантиришнинг юқори салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги намоён бўлди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес фаолиятининг ривожланишига ҳалақит берувчи давлат аралашувини чеклаш ҳамда унинг ривожланиши учун янада қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Учинчи босқич (1999 йилдан ҳозирга қадар). Ушбу босқичнинг бошланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1999 йилдаги Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV сессиясида сўзлаган нутқи асос бўлди. Ушбу маърузада Юртбошимиз томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни илгари сурилиб, мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ушбу жараённинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Бунга кўра, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кичик бизнес фаолиятини янада такомиллаштириш, энг асосийси, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиш ва улар фаолиятининг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни бартараф этишга асосий эътибор қаратила бошланди. Умуман олганда, ушбу босқич Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланишини янги йўналишини очиб берди. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Эркин тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва республика ҳукумати томонидан бошқа кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунга келиб бундай чора-тадбирларнинг барчаси ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Шундай қилиб, 2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос янги даври бошланди. Бунга асос бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатлари

тўғрисидаги” Қонуни хизмат қилган бўлса, 2000 йилнинг 23 феввалида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисоботини қисқартириш ва тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори кичик бизнес субъектларининг ривожланишига ҳалақит бериб келган асосий “бюрократик” тўсиқнинг бартараф этилиши ва бу билан улар фаолиятининг ривожланиш имкониятларини кенгайтишига олиб келди. Шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга аниқ мақсадли йўналтирилган тарзда ёндашишга алоҳида эътибор берилди. Бунда мамлакатимиз ички бозорини сифатли товар ва хизматлар билан таъминлаш борасида устувор аҳамиятга эга бўлган тармоқларда, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар тизими амал қила бошлади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг янги механизмларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади. У истеъмолчиларнинг ўзгарувчан бозор талабига тез мослаша олади, ташкил қилишда ҳам кам ресурс талаб қилади ва агар банкрот бўлган шароитда ҳам жамият учун инқирозли иқтисодий оқибатларга олиб келмайди. Энг муҳими аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бундай юқори салоҳияти унга жиддий эътибор беришни талаб қилади. “Бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда руйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг хар йили ўртача 6-7 % и тугатилиб бораётганлиги мазкур сохани ривожлантириш борасида катта сайъи-ҳаракатлар қилинаётганига қарамай, ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади.”⁸ Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес соҳасининг ривожланиши доимий равишда муаммоли тарзда кечиши табиий. Чунки, биринчидан, иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ҳам йирик бизнесдан “ўз улушини тортиб олиш”га мажбур

⁸ Иқтисодиёт ва таълим. 2006 йил, № 1, 81 б.

этади. Бунга эса, қачон кичик бизнес ўз ишлаб чиқаришининг нисбатан самарали эканлигини исботлаган тақдирдагина эриша олади. Иккинчидан, кичик бизнеснинг ривожланишидаги зиддиятли, муаммоли ҳолатлар унинг иқтисодий табиатидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан кичик бизнеснинг имкониятлари нисбатан чекланган. У йирик корхоналар сингари ўзининг кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Бундан ташқари, бозор конъюктурасининг озгина ўзгариши ҳам кичик бизнес корхоналарига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Кичик бизнеснинг бундай жихатлари ўзига нисбатан алоҳида ғамхурлик, химоя ва парваришни талаб этади. Учинчидан, бу муаммолар ўтиш даври иқтисодиёти шароитида янада кескинроқ, жиддийроқ кўринишда юз беради.

Худудларда кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши шаҳар(туман) бюджетига молиявий тушумларни кўпайтиради, аҳолини иш билан таъминлайди, худуд ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиради. “Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кичик бизнес корхоналарини Бизнес-инкубаторлар орқали ривожлантирилганда уларнинг “вояга етиш” жараёни 22 маротаба тезлашади, банкротлик хавфи 20%га қисқаради.”⁹

Муаммоларни ҳал этишнинг яна бир йўли бу тадбиркорларнинг ўзлари томонидан амалга оширилувчи чора-тадбирлар ҳисобланади. Энг аввало, тадбиркорнинг маънавий қиёфаси, билим даражаси ва “ишнинг кўзини” билиши унинг ўзига боғлиқ бўлади.

2007 йилда мамлакатимизда кичик бизнес хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Тадбиркорларга, аввало кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тақдим этилган кредитлар

⁹ Иқтисодиёт ва таълим. 2006 йил, № 4, 31 б.

36% га, тадбиркорларга ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70% га кўпайди.

Иқтисодий эркинлаштириш ва қулай тадбиркорлик муҳити яратиш юзасидан қўрилган чора тадбирлар натижасида кичик бизнес жадал суръатларда ривожланмоқда, иқтисодий хусусий сектор кенгаймоқда. 2007 йилда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 85% га етди, хусусий секторда саноат маҳсулотининг қарийб 80% ни ишлаб чиқарилмоқда.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМ таркибидаги улушини 48%га, 2010 йилга бориб эса 50-52% га, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45-49% га етказиш учун бизда барча асосларимиз бор¹⁰ деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳудудий, яъни туманлар (қишлоқлар) миқёсида амалга оширилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш лозим:

-худудлар(қишлоқ жойларида) бозор инфратузилмаси корхоналарини ташкил этишни жадаллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда доимий равишда қўллаб-қувватлаш;

-кичик бизнес субъектларини янада кўпайтириш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш;

-кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи соҳаларни янада ривожлантириш;

-кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишни такомиллаштириш;

-кичик бизнесни ташкил этиш учун уларга бино ва бошқа иншоотларни ижарага бериш;

¹⁰ И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси . 2008 йил 9 феврал.

-худудларда кичик бизнесни бошқарувчи ташкилий тузилмани янада такомиллаштириш.

Демак, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, худудларнинг иқтисодий қуввати, аҳоли бандлигини ва фаровонлигини ошишига ижобий ёрдам беради.

II Боб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

2.1 Наманган вилоятида кичик ва хусусий бизнесни ривожланишининг устивор масалалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш жараёнида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг мазкур соҳасида эришилаётган ижобий ўзгаришлар, республикада уни жадал ривожлантириш имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради.

Кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамиятлилиги шу даражадаки, энг аввало бу соҳадаги ҳолат орқали мамлакатдаги тадбиркорлик муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Кичик ва хусусий бизнес иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди ва унинг барқарорлигини кўрсатувчи барометр ҳисобланади. Ташқи инвесторлар у ёки бошқа иқтисодиётга капитал киритиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг акс-ифодаси, бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнлари қоидаларининг барқарорлиги ва давомийлигини кафолати ҳисобланувчи кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланганлик даражасини мажбурий тартибда ўрганишлари ҳам бежиз эмас. Шунга кўра, мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес соҳасининг шаклланиши ва тартибга солиш жараёнларини, унинг ҳозирги ҳолати ҳамда бу борада қўлланилаётган чора-тадбирларни кўриб чиқиш илмий тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнес қарор топишда бир қатор босқичларни босиб ўтди. 80-йилларнинг охирига келиб тақчил бўлган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда турли маиший хизматларни, чакана савдо, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишни ривожлантириш ҳаракатлари рўй берди. Демак, ҳали кичик ва ўрта бизнеснинг назарий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган бўлса-да, у ўзининг дастлабки амалий қадамларини бошлаган эди. Фақат 1991 йил

15-февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни (2-»Корхона турлари» моддаси) да: “...мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилиши мумкин”, деб белгилаб берилиши кичик ва ўрта бизнес соҳаси дастлабки таркибий қисмининг ҳуқуқий асоси бўлди. Мамлакатда ҳали ўрта ва йирик корхона кўламлари чегараларининг мавжуд эмаслиги ўша даврда кичик ва ўрта бизнес соҳасининг асосан кичик корхонасининг фаолияти билан белгиланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини белгилаб берувчи дастлабки меъёрий ҳужжат – “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта корхоналар тўғрисидаги Низом”¹¹ қабул қилиниб, унда кичик корхоналарга шундай таъриф берилади: “мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ишловчиларнинг чекланган сони ҳамда мулкчилик ҳуқуқи, хўжаликни тўла юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи, ишларини бажарувчи, хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект кичик корхона ҳисобланади”. Шунингдек, мазкур Низомда кичик ва ўрта корхоналар таркибига киритишнинг миқдорий чегаралари белгилаб берилган, яъни:

- саноат ва қурилишда-200 кишигача ;
- фан ва илмий хизмат кўрсатишда-100 кишигача;
- ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида-50 кишигача;
- ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида-25 кишигача;
- чакана савдода-15 кишигача.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатда бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш орқали

¹¹ Вазирлар Маъкамасининг 1992 йил 26-февралдаги 85-сонли =арорининг 2-чи сонли иловасига =аранг.

истеъмол бозорини тўлдириш мақсадларида кичик ва хусусий корхоналарнинг фаол ривожланиши учун шароитларни яратишга йўналтирилган бу меъёрий ҳужжат ҳақиқатдан ҳам мазкур жараёнга берилган дастлабки туртки бўлди.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес субъектларининг ривожланишига кўмаклашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида ҳукумат томонидан “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури” қабул қилиниб, у Республиканинг миллий хусусиятлари ва ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатдаги кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини, йўналишларини белгилаб беради ҳамда уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутди.

Дастурнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш, ички бозорни товарлар билан тўлдириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарни, кичик, самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Айнан шу фармонда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг ташкил этилиши кўзда тутилиб, унга тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш; бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиқувчи қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари, шакл ва усулларини аниқлаш; тадбиркорликнинг умумий мафкурасини шакллантириш вазифалари юклатилиши белгилаб берилган. Шу билан бирга, кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашда иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

бўйича кўмита, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат кўмитасининг фаолиятлари аҳамиятли ўрин тутди.

Мамлакат аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида 1995 йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши тадбиркорларга самарали ишлашда ҳалақит берувчи буйруқбозликка асосланган тўсиқларни бартараф этиш; хусусий соҳада қулай шароитларни яратиш; кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини ишга тушириш имконини яратди.

Шунингдек кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиби кескин соддалашди ва муддати бўйича 3 кун ичида рўйхатдан ўтказиш мажбурияти жорий этилди. Маъмурий органларга сансалорлик ва бюрократик тизимни вужудга келтирувчи ҳатти-ҳаракатлар бўйича талаблар қатъийлашди. Хусусий тадбиркорларга давлат корхоналарининг фойдаланилмаётган омборлари ва ишлаб чиқариш майдонларини ижарага бериш имконияти вужудга келди. Кадрлар тайёрлашда ёрдамлар кўрсатилган, янги солиқ қонунлари қабул қилинди.

Мамлакатда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда қўлга киритилган дастлабки тажрибалар мазкур соҳани янада такомиллаштириш борасида аҳамиятли ўзгаришларни амалга оширилишини тақозо этди. Жумладан, 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунда кичик ва ўрта корхоналарнинг янги микдорий чегаралари белгилаб берилди, яъни: саноат ва қурилишда-50 кишигача;

кишлоқ хўжалигида ва ишлаб чиқариш соҳасида бошқа тармоқларида-25 кишигача;

фан ва илмий хизмат кўрсатишда-10 кишигача;

ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида-10 кишигача;

чакана савдода-5 кишигача.

Ушбу қонунда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари ҳам белгилаб берилди:

- кичик тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш;
- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт-шароит яратиш.

Кичик ва ўрта бизнеснинг самарали ривожланиши уларни молиялаштиришда банкларнинг иштирокини кенгайтириш билан узвий боғлиқ. Бу муаммони қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда ҳал этиш мумкин, яъни, биринчидан, банкларнинг кредитлаш базаси бошқа маблағлар билан бир қаторда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, шунингдек, хорижий кредит мажбуриятлари бўйича тушувчи маблағлар ҳисобига шакллантирилганида; иккинчидан эса, кредитлар давлат кафолати асосида берилганда.

Шунга кўра, давлатимиз томонидан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда хорижий молиявий ташкилотлар маблағларини жалб этиш асосий йўналишлардан бирига айланди. Ўз навбатида, кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши ва қўллаб-қувватланиши бўйича изчил ва самарали чора тадбирларга ижобий баҳо бериб, бир қатор нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар Ўзбекистондаги кичик ва хусусий бизнес учун кредитлар ажратдилар. Жумладан, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки-120 млн. АҚШ доллари, Осиё ривожланиш банки (ОРБ)-50 млн. АҚШ доллари, ОЕСФ (Япония) ОРБ уйи билан биргаликда молиялаш -50 млн. АҚШ доллар, Япония Экзимбанки - 50 млн. АҚШ доллари, Халқаро молия корпорацияси - 50 млн. АҚШ доллар, Германия ривожланиш Кредит Агентлиги (KFW) - 5 млн. ДМ, Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди -26 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратдилар. Бу маблағларни ўзлаштирилиши экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик тадбиркорликнинг ролини аҳамиятли даражада ошириш янги иш жойларини яратиш, илғор технология ва ускуналарни жалб

этиш, мавжуд хом ашё-минерал ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, халқ фаровонлигини ошириш имконини беради.

Хозирги кунда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлашни амалга ошириш давлатнинг қуйидаги ташкилий бошқарув даражалари бўйича бўлиши мумкин:

- умумдавлат;
- тармоқлараро бошқарув комплекслар;
- ҳудудий (вилоят ва туман ҳокимиятлари).

Буларнинг ичида энг яхши самара берадиган даража ҳудудлар бўйича қўллаб қувватлашдир. Ҳудудларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бевосита шу соҳанинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Наманган вилояти ҳудудларида кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашда қуйидаги устивор йўналишларни белгилаш мумкин:

- белгиланган ҳудудда ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;
- ҳудудларда кичик бизнесни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш;
- кичик бизнес субъектларини яратиш (кичик бизнес бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш);
- кичик бизнесни молия ва кредит ресурслари билан таъминлаш;
- кичик бизнесни рағбатлантириш;
- кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи соҳаларни яратиш;
- кичик бизнесни ташкил этиш учун ер, бино ва бошқа иншоотлар ажратиш;
- ҳудудларда кичик бизнесни бошқарувчи ташкилий тузилмани такомиллаштириш.

Вилоят ҳудудларида кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослашган тижорат банклари бўлимлари, кредит ассоциациялари, биржа ва фондлар филиаллари, савдо уйлари, инвестиция ва молия компаниялари

бўлимлари, кичик бизнесни ахборот билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатувчи фирмаларни ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини қуйидагича белгилаш зарур:

-вилоятда мавжуд хом-ашё ишлабчиқариш имкониятларидан, табиий ва иқтисодий ресурслар имкониятидан ва ресурслардан тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёждан, талабдан келиб чиқиши керак;

-Давлат томонидан белгиланган устивор соҳалар бўйича вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш;

-Вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан боғланиш. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, жуда кўп кичик корхоналар йирик саноат ишлаб чиқариш компаниялари билан шартнома асосида уларга маҳсулот қисмларини тайёрлаб бериш ва ҳар хил хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Демак вилоятимизда ҳам ҳокимликлар кичик бизнесни йирик корхоналарга хизмат қилиш асосида ривожлантиришни рағбатлантиришни йўлга қуйишса мақсадга мувофиқ бўлади.

2.2. Наманган вилоятида кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланганлик ҳолати таҳлили

2008 йилда Наманган вилояти Ялпи ҳудудий ички маҳсулоти (ЯҲИМ) ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 69,7 фоизни, шу жумладан кичик корхоналар 36,0 фоизни, якка тартибдаги тадбиркорлар 17,0 фоизни ва деҳқон хўжаликлари 16,7 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётда жами банд бўлганларга нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 76,5 фоизни (583,5 минг киши) ташкил этди. Шу жумладан 43,4 фоизи (331,2 минг киши) якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда 20,0 фоизи (153,1 минг киши) кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 январдаги 439-сонли қарорига асосан 2009 йилнинг 1 декабр ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг сони 26139 тани, шу жумладан кичик корхоналар 2929 тани (11,2 фоиз) ва микрофирмалар 23210 тани (88,8 фоиз) ташкил қилди.

Вилоят бўйича жами рўйхатга олинган корхоналарнинг ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 89,1 фоизни ташкил этди.

2.1-жадвал

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши

	Бирлик	Жамига нисбатан улуши, фоизда
Жами:	26139	100,0
Шу жумладан:		
- саноат	1745	6,7
- қурилиш	1185	4,5
- қишлоқ хўжалиги	16335	62,5
- транспорт ва алоқа	320	1,2
- савдо ва умумий овқатланиш	3259	12,5
- моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	54	0,2
- аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари		
- соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	538	2,0
- таълим	85	0,3
- маданият ва санъат	75	0,3
- фан ва илмий хизмат кўрсатиш	23	0,1
- бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	2520	9,6

Рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари ҳажмида Мингбулоқ туманида (6,4 фоиз), Косонсой туманида (6,8 фоиз), Наманган туманида (7,0 фоиз), Норин туманида (4,3 фоиз), Поп туманида (8,4 фоиз), Тўрақўрғон туманида (6,5 фоиз), Уйчи туманида (6,0 фоиз), Учқўрғон туманида (6,3 фоиз), Чортоқ туманида (9,2 фоиз), Чуст туманида (11,3 фоиз), Янгиқўрғон туманида (10,4 фоиз) туманларига ва Наманган шаҳрига (17,2 фоиз) туманларининг улушига туғри келмоқда.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони

(бирлик)

	2009 йил 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтганлар сони	2008 йил январ-декабр	
		Ташкил топди	Тугатилди
Вилоят бўйича	26139	2151	840
Наманган ш.	4499	618	200
Мингбулоқ	1679	174	39
Косонсой	1776	102	121
Наманган	1843	171	55
Норин	1137	102	38
Поп	2193	127	27
Тўрақўрғон	1693	103	91
Уйчи	1574	108	45
Учқўрғон	1648	137	85
Чортоқ	2403	135	73
Чуст	2968	203	23
Янгиқўрғон	2726	171	43

Кичик бизнес корхоналарининг субъектларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги (62,5 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (12,5 фоиз), саноат (6,7 фоиз) ва қурилиш (4,5 фоиз) соҳаларига тўғри келмоқда.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган жами корхоналар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 87,8 фоизни, шу жумладан қишлоқ хўжалигида 98,0 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 98,0 фоизни, саноатда 96,0 фоизни, қурилишда 93,8 фоизни ҳамда транспорт ва алоқада 85,6 фоизни ташкил қилди.

2009 йилнинг 1 январ ҳолатига 1000 киши ҳисобига фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони 8,8 бирликни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 бирликка камайди

2008 йил давомида вилоят бўйича жами 2151 та янги кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Уларнинг асосий қисми Мингбулоқ туманида (8,1 фоиз), Косонсой туманида (4,7 фоиз), Наманган туманида (7,9 фоиз), Норин туманида (4,7 фоиз), Поп туманида (5,9 фоиз), Тўрақўрғон туманида (4,8 фоиз), Уйчи туманида (5,0 фоиз), Учқўрғон туманида (6,4 фоиз), Чортоқ туманида (6,3 фоиз), Чуст туманида (9,4 фоиз), Янгиқўрғон туманида

(7,9 фоиз) туманларига ва Наманган шаҳрига (28,7 фоиз) тўғри келди.
(2.2-жадвал)

Вилоят бўйича кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш коэффициентини 6,3 фоизни, тугатиш коэффициентини эса 17,8 фоизни ташкил этди.

Ташкил этиш коэффициентини Мингбулоқ туманида (10,4 фоиз), Наманган туманида (6,6 фоиз), Норин туманида (8,8 фоиз), Учкўрғон туманида (8,0 фоиз) вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди.

Тугатиш коэффициентини эса Наманган шаҳрида (46,1 фоиз) вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди.

2.3-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Саноат маҳсулотини	Қурилиш ишлари	Чакана товар айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш
Вилоят бўйича	23,3	79,2	48,4	69,5
Туманлар				
Наманган ш.	32,1	71,4	44,5	78,9
Мингбулоқ	4,8	82,5	49,9	52,4
Косонсой	29,1	92,3	46,9	58,1
Наманган	53,4	77,5	51,7	60,5
Норин	10,0	88,4	57,9	55,3
Поп	5,4	85,7	69,8	55,1
Тўрақўрғон	14,0	90,9	55,4	47,0
Уйчи	15,5	80,1	34,0	54,1
Учкўрғон	6,4	66,9	56,2	52,7
Чортоқ	87,6	80,9	64,9	39,2
Чуст	20,8	78,1	40,4	65,6
Янгиқўрғон	34,8	77,0	61,7	52,7

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 146,6 фоизга ошди ва 101062,7млн.сўмни (вилоят бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 23,3 фоизи), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда эса 105,7 фоизга ошди, 756788,2 млн. сўмни (вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизи) ташкил қилди. (2.3-жадвал)

Вилоят бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 39,1 фоизни (116751,4 млн.сўм), қурилиш-пудрат ишлари ҳажмида эса 79,2 фоизни (140225,6 млн.сўм) ташкил этди. (2.4-жадвал)

2.4-жадвал

Қурилиш соҳасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Тармоқ	2008 йил январ-декабр	(млн. сўм) Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, %
Қурилиш ишларининг умумий ҳажми – жами шу жумладан	177140,6	116,4
1. Кичик тадбиркорлик – жами	140225,6	127,2
Кичик тадбиркорликнинг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, % шундан:	79,2	
1.1 Кичик корхоналарнинг иш ҳажми	24354,5	143,6
Кичик корхоналарнинг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	13,7	
1.2 Микрофирмаларнинг иш ҳажми	34308,4	142,0
Микрофирмаларнинг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	19,4	
1.3 ИЖС лар томонидан бажарилган иш ҳажми	81481,7	118,0
ИЖС лар томонидан бажарилган ишларнинг умумий ҳажмидаги улуши, %	46,0	
1.4 Норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми	10163,6	126,0
Норасмий секторнинг умумий бажарилган қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	5,7	


Автомобил транспортида умумий юк айланмаси ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 90,8 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 144,6 фоизга ошди, умумий йўловчи айланмаси ҳажмида эса 71,4 фоизни ташкил қилиб 108,2 фоизга ўсди.

Кичик бизнес субъектларининг чакана савдо айланмаси 131,1 фоизга ошиб, умумий савдо айланмаси ҳажмининг 48,4 фоизини (367477,3 млн.сўм), аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 161,0 фоизга ошиб, кўрсатилган умумий пуллик хизматнинг 69,5 фоизини (159145,2 млн.сўм) ташкил қилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 45631,5 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 129,7 фоизга ошди ва умумий экспорт ҳажмининг 52,9 фоизини ташкил этди. Импорт ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,9 фоизга ошди, 41869,1 минг АҚШ долларига тенг бўлди ва умумий импорт ҳажмининг 51,5 фоизини ташкил этди. Умумий ташқи савдо айланмаси ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 52,3 фоизни ташкил этди.

2008 йилнинг 12 ойида кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 50685,0 млн.сўмни, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 187,3 фоизни ташкил этди

Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларида кичик бизнес субъектларининг улуши қуйида келтирилган (фоиз ҳисобида)



Наманган вилоятида кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришда уларда мулкчилик шакллари ва уларнинг такомиллаштириш жараёнида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга ошди. Масалан, 1991 йилда хусусий мулк шаклидаги корхоналар 1,0 фоизни, акционерлик шаклидаги корхоналар 0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда уларнинг улуши сезиларли даражада кўпайди. Масалан, хусусий мулкчиликдаги микрофирмалар 22772 тани, кичик бизнес 24833 тани, кичик корхоналар 2061 тани¹² ташкил этган.

2007 йилда Наманган вилоятида кичик тадбиркорлик (бизнес)да банд бўлганлар сони 738,0 минг кишини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга ортганлигини кўрсатади. Шундан ўрта тадбиркорликда, кичик тадбиркорликда 8,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Кичик ва хусусий бизнесдаги бандликнинг ўсиш суръатлари айниқса, Наманган шаҳрида жуда юқори бўлди, яъни 2006 йилга нисбатан 12007 йилда кичик тадбиркорликда 113,7 фоизга, кичик корхоналарда 212.2 фоизга, микрофирмаларда 125,0 фоизга тенг бўлди. (2.3-жадвал)

Кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожини вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам секин аста ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Чунончи бугунги кунда¹³ қурилиш тармоғидаги кичик ва хусусий корхоналар улушидаги бажарилган иш ҳажми вилоят бўйича 177140,6 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 116,4 фоизга ошганлигини англатади. Шаҳар қурилишида 29,7 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда кичик ва хусусий бизнес туфайли бажарилган ишларнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 79,2 фоизни ташкил қилди. (2.4-жадвал)

2008 йил бошига тегишли статистик маълумотларга кўра, вилоят бўйича ташқи савдо айланмаси 152119,7 минг АҚШ доллариға тенг бўлди, шундан кичик тадбиркорликда 63035,2 минг АҚШ доллариға, кичик корхоналарда 31090,6 минг АҚШ доллари, микрофирмаларда 14145,2 АҚШ долларини ташкил қилиб 2006 йилга нисбатан мос равишда кичик

¹² Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биргаликда ҳисобланган.

¹³ 1.01.2008 йил статистик маълумотларга кўра.

тадбиркорликда 148,1 фоиз, кичик корхоналарда 545,5 фоиз, микрофирмаларда 100,3 ўсишга эришилди.

Наманган шаҳрининг ўзида 2007 йилда 30967,7 минг А+Ш доллари миқдорида ташқи савдо айланмасига эришилди. Бу эса вилоят бўйича олганда 20,3 фоизни ташкил этиб, шундан кичик тадбиркорликда – 10685,6 А+Ш доллари, кичик корхона корхоналарда - 2270,0 минг А+Ш доллари ва микрофирмаларда – 8415,6 минг А+Ш доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси амалга оширилди.

Наманган вилояти бўйича ташқи савдо айланмасида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг умумий ҳажмдаги улуши 32,4 фоизни ташкил этиб, вилоят бўйича ўсиш суръати эса 152,5 фоизга тенгдир.(2,5- жадвал)

Юқоридаги ижобий натижалар вилоятда кичик ва хусусий бизнесни давлат органлари ва бу секторга хизмат кўрсатаётган бозор инфратузилмаси орқали тартибга солиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Наманган вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати таҳлили натижасида қуйидаги умумий хулосалар чиқаришга олиб келади:

- кичик ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, тармоқлар бўйича кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди;

- Наманган вилоятида кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш республика миқёсига нисбатан ўзининг ўсиши ва бошқа йўналишлар юзасидан ўзига хос натижалари билан ажралиб туради;

- вилоятда кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланиши аҳолининг иқтисодий фаоллиги, бозор муносабатлари ва мулкчилик муносабатларини ривожлантиришга, ташқи иқтисодий фаолиятни чуқурлаштириш ҳамда бозорни маҳсулот билан тўлдиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда;

- шулар билан бир қаторда кичик ва хусусий корхоналар фаолиятида, жумладан, маҳсулот ҳажмининг етарли даражада оширилмаганлиги, экспорт-

импорт ҳажмининг номуносивблиги ҳамда мавжуд имкониятлардан етарли фойданилаётганлиги билан характерланувчи камчиликлар мавжуд.

Кичик ва хусусий бизнесни янада юқори суръатларда ривожлантиришга Наманган вилоятида катта имкониятлар мавжуд.

Бироқ, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги қўлланилаётган чора-тадбирларни барчасини ижобий деб, улар фаолияти билан чегараланиб қолмаслик керак. Чунки бозор иқтисодиёти муҳитида ўзига хос хусусиятлар борки, улар салбий вазиятларни келтириб чиқаришга мойил бўладилар.

2.5-жадвал

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича кичик тадбиркорлик(бизнес) субъектларида банд бўлганлар сони
Минг киши

Шаҳар ва туманлар	Кичик тадбиркорлик	Шундан фуқороларни хусусий мулки	Шу жумладан			Салмоғи %		Фуқороларнинг хусусий мулкчилик шаклидаги	Шу жумладан		
			Кичик корхоналар	Микрофирмалар	Якка тадбиркорлик	Хусусий кичик корхонанинг жами кичик корхоналардаги хажми	Хусусий микрофирмаларнинг жами микрофирмалардаги хажми		Фуқороларнинг хусусий мулки бўлган кичик корхоналарда	Фуқороларнинг хусусий мулки бўлган микрофирмаларда	Якка тадбиркорликда
Мингбулоқ	34,1	26,1	1,5	9,7	14,9	5,7	37,2	43,7	4,4	28,4	43,7
Косонсой	37,5	30,6	2,8	6,6	21,2	9,2	21,6	56,5	7,5	17,6	56,5
Наманган	42,3	33,4	2,4	7,5	23,5	7,2	22,5	55,6	5,7	17,7	55,6
Норин	32,8	25,9	1,7	5,9	18,3	6,6	22,8	55,8	5,2	18,8	55,8
Поп	52,3	39,2	3,0	13,6	22,6	7,7	34,7	43,2	5,7	26,0	43,2
Тўрақўрғон	40,9	33,3	2,2	7,4	23,7	6,6	22,2	57,9	5,4	18,1	57,9
Уйчи	43,4	34,3	3,0	7,1	24,2	8,7	20,7	55,8	6,9	16,4	55,8
Учқўрғон	46,9	34,1	2,9	11,7	19,5	8,5	34,3	41,6	6,2	24,9	41,6
Чортоқ	35,2	29,5	1,7	6,3	21,5	5,8	21,4	61,1	4,8	17,9	61,1
Чуст	50,1	40,5	2,8	9,9	27,8	6,9	24,4	55,5	5,6	19,8	55,5
Янгиқўрғон	34,1	30,0	1,7	6,2	22,1	5,7	20,7	64,8	5,0	18,2	64,8
Наманган ш.	109,3	106,2	10,4	24,5	71,3	9,8	23,1	65,2	9,5	22,4	65,2
Жами	558,9	453,1	36,1	116,4	310,6	7,8	25,1	55,6	6,5	20,8	55,6

2.6-жадвал

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да банд бўлганларнинг жами иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши

Шахар ва туманлар	Мехнатга лаёқатли ёшдаги мехнатга лаёқатли аҳоли. минг. киши			Кичик бизнесда банд бўлганлар, минг киши		Кичик тадбиркорлик (бизнесда) банд бўлганларнинг жами иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши. %		Кичик тадбиркорликда яратилган иш ўринлари, бирлик	
	2006 йил	2007 йил	Усиш %	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил
Мингбулоқ	52,8	54,3	102,8	31,8	34,1	95,9	98,3	1803	2218
Косонсой	82,5	85,3	103,4	35,8	37,5	71,2	71,7	1997	2323
Наманган	91,2	93,9	103,0	40,6	42,3	72,6	73,2	1876	2253
Норин	69,2	71,6	103,5	30,5	32,8	72,6	75,6	2301	2656
Поп	91,3	94,0	103,0	49,0	52,3	89,3	92,1	2408	2981
Тўрақўрғон	89,8	92,8	103,3	35,7	40,9	63,9	71,3	2066	2942
Уйчи	94,5	96,6	102,2	38,5	43,4	65,4	71,3	1370	2736
Учқўрғон	75,4	77,5	102,8	44,7	46,9	97,0	98,3	1982	2286
Чортоқ	81,8	84,3	103,1	31,4	35,2	63,2	68,3	1873	3113
Чуст	110,3	113,7	103,1	47,1	50,1	70,4	72,3	2019	3190
Янгиқўрғон	89,6	92,4	103,1	30,9	34,1	56,6	60,2	1196	2489
Наманган шаҳри	238,1	247,2	103,8	96,1	109,3	65,2	73,1	7209	6837
Вилоят бўйича	1166,5	1203,6	103,2	512,1	558,9	71,5	75,7	28100,0	306024

2.7-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сонида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг салмоғи

(фоизда)

	Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Қурилиш		Савдо		Транспорт ва аълоқа	
	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил
Мингбулоқ	93,5	100,0	99,9	99,8	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Косонсой	100,0	100,0	99,5	99,7	98,7	98,5	100,0	100,0	100,0	100,0
Наманган	100,0	98,1	99,9	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Норин	100,0	100,0	99,6	99,9	100,0	100,0	100,0	99,9	100,0	100,0
Поп	100,0	100,0	99,9	99,9	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тўрақўрғон	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Уйчи	100,0	98,2	99,7	99,4	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Учкўрғон	100,0	100,0	99,5	99,3	90,9	93,3	100,0	100,0	100,0	100,0
Чортоқ	100,0	100,0	99,8	99,5	100,0	97,2	99,4	99,1	100,0	100,0
Чуст	100,0	100,0	99,9	99,8	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Янгиқўрғон	100,0	100,0	99,9	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Наманган ш.	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	99,5	99,9	100,0	100,0
Жами	99,9	99,8	99,8	99,8	99,6	99,4	99,8	99,9	100,0	100,0

2.8-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик тадбиркорликнинг салмоғи*

(фоизларда)

Шаҳар ва туманларнинг номи	Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Инвестиция		Қурилиш		Савдо		Пуллик хизмат	
	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил
Мингбулоқ	3,0	4,3	94,4	96,8	44,9	61,0	78,8	97,3	32,7	42,2	51,7	51,7
Косонсой	16,5	19,2	92,0	98,4	56,7	82,1	86,1	92,9	42,9	51,4	53,2	55,1
Наманган	32,2	38,8	92,2	97,2	41,2	51,7	85,7	92,6	44,8	62,1	54,5	59,3
Норин	11,4	8,9	97,6	98,5	52,2	68,2	93,9	90,2	45,1	50,0	49,9	51,3
Поп	2,3	5,1	98,1	98,6	66,5	15,2	74,6	87,6	52,9	58,1	47,2	52,6
Тўрақўрғон	9,8	13,5	95,1	97,6	57,8	42,1	95,1	85,3	24,9	39,9	44,0	45,2
Уйчи	7,1	17,7	89,3	95,8	40,6	71,3	78,2	75,3	51,2	56,9	54,9	55,1
Учқўрғон	4,9	5,6	86,3	96,6	63,3	82,7	69,4	72,6	50,7	60,7	47,4	49,9
Чортоқ	19,8	47,8	93,1	97,7	51,9	55,3	72,3	69,9	59,6	66,4	32,3	37,7
Чуст	29,8	19,2	91,4	98,3	12,0	22,1	73,1	75,4	33,7	37,1	64,5	61,4
Янгиқўрғон	21,9	17,4	94,5	97,8	36,5	62,3	72,6	70,2	33,6	51,4	54,1	54,3
Наманган ш	20,6	25,2	94,9	96,4	32,7	19,8	40,2	49,0	52,6	47,1	74,0	78,2
Жами	15,6	18,9	94,0	98,8	18,3	37,8	67,1	72,5	46,7	49,6	64,0	68,3

* Жадвал Наманган статистика бош=армаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.3. Наманган вилояти қурилиш тармоғида кичик бизнесни ривожлантириш


Кичик бизнес фаолияти учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб-қувватлаш, айниқса бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётида жуда зарур. Мазкур секторнинг мамлакат иқтисодиёти тараққиётидаги муҳим ўрни шундаки, у Республика аҳолисининг ишбилармонлик кайфиятини, фаоллигини оширади, тадбиркорликни шакллантиришда самарали йўналиш эканлиги билан белгиланади. Кичик бизнесга кенг йўл очиш орқали халқимизнинг анъанавий қадриятлари - миллий ҳунармандчилик янада юксалди, унутилган соҳалар қайта тикланди.

Бозор муносабатлари шакллана борган сари бизнес секторнинг ривожланиши туфайли миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири - қурилиш соҳасида ҳам кичик бизнес корхоналар сони орта борди. Бундай корхоналар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва инсонларнинг ҳаётий шароитларини яхшилашда аҳамияти беқиёс.

Қурилиш соҳасида ҳам Республикада қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар амалга татбиқ этиляпти. Мазкур тармоққа тааллуқли кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини соддалаштириш йўлида катор ижобий чора-тадбирлар қўлланилган. Масалан, микрофирмаларга 20 тагача ишчиси бўлган корхоналар тааллуқли бўлса, 50 кишигача ишчиси бўлган корхоналарни кичик корхоналар деб юритилди (схемага қаранг).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, авваллари буюртмачи ҳам, ижарачи ҳам, давлат корхоналари бўлган бўлса, эндиликда биз инвестицион жараённинг мутлақо янги мустақил истирокчиларига эгамиз. Инвестицион жараённинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қатъий тижорат шартномаси асосида амалга оширилиши ва субъектлар томонидан шартномалар шартлари амалдаги қонунчилик билан тартибга солинган.

**Қурилиш тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес
корхоналарининг ишчилар сонига кўра табақаланиши**



Барча вилоятлардаги каби Наманган вилоятида ҳам қурилиш соҳаси ўзига ҳос ривожланиб бориши билан маҳаллий ободонлаштириш ишлари авжига чиққан. Марказий кўчалар, хиёбонлар, бинолар фасадининг янгича

дизайн асосида кайта таъмирланиши, буларнинг барчаси шаҳар, туман ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирмоқда.

Эътиборлиси шуки, қурилиш соҳасига тааллуқли кичик бизнес корхоналарида устав капиталининг ҳажми ўртача ортиб борапти. Кўп корхоналарда ишчиларга иш ҳақидан ташқари бир маҳал иссиқ овқат тайёрлаб бериш, моддий рағбатлантириш, транспорт тўловлари учун алоҳида пул маблағлари берилмоқда. Бундан ташқари қурилиш корхоналарида яхши ишлаётган ишчиларни мукофотлаш каби чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо булар муайян чекланган ҳолда амалга оширилмоқда.

2009 йил бошига келиб, Наманган вилоятида қурилиш соҳасида жами 1185 та кичик бизнес корхоналари рўйхатга олинган, бу кўрсаткич вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини 4,5 фоизини ташкил қилади.

Қурилиш тармоғида ташкил этилган кичик бизнес корхоналар сони динамик тарзда кундан кунга кўпайиб бормоқда. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қурилиш соҳасида кичик бизнес корхоналар сони йилдан-йилга ортиб борган. Биз келтирган 2.9-жадвалдан кўриниб турибдики, ташкил этилган кичик бизнес корхоналари ичида микрофирмалар сони шиддат билан ўсган (жадвалга қаранг). Аммо йиллар оралигидаги ўсиш даражасини оладиган бўлсак, ўсиб боровчи тарзга эга эмас. Чунки қўшилган корхоналар сони йилдан-йилга камайиш тенденциясини олган. Ваҳоланки, кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида юртбошимиз раҳбарлигида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Наманган вилоятида 2009 йил 1 январ ҳолатига қурилиш тармоғида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар 105 тани, яъни рўйхатга олинганга нисбатан 90,5 фоизни ташкил этса, фаолият кўрсатувчи микрофирмалар 1080 тани, яъни рўйхатга олинганга

нисбатан 75,4 фоизни ташкил этади. Ачинарли ҳолат шундаки, ташкил этилган микрофирмаларнинг 24,6 фоизи фаолият кўрсатмаяпти.

2.9-жадвал

**Наманган вилояти қурилиш тармоғида кичик бизнес
субъектларининг ривожланиш динамикаси**

йиллар	кичик бизнес субъектлари	
	Микрофирмалар	Кичик корхоналар
1992	169	59
1993	196	75
1994	289	117
1995	375	150
1996	457	171
1997	505	188
1998	544	208
1999	567	229
2000	583	250
2001	456	197
2002	565	199
2003	578	188
2004	530	47
2005	951	75
2006	979	78
2007	1023	95
2008	1080	105

Сабаби, аксарият кичик бизнес корхоналарда иш жараёнларини ташкил этиш қониқарли ҳолатда бўлмаяпти. Раҳбар билан ишчилар ўртасидаги ички муҳит муносабатлари эскича андозалардан ҳолис бўла олмаяпти. Шартномалардаги тартиббузарлик ҳолатлари, тўловларнинг вақтида тўланмаётганлиги, бошқаришдаги тажрибасизлик, ханузгача янгича иқтисодий муносабатларни тушунмаслик кўп корхоналарни стресс ҳолатига тушуриб қўймоқда. Шунингдек, корхоналар муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларга қарши стратегик режалаштириш ишлари заиф амалга оширилмоқда. Оқибатда бозор иқтисодиётига ҳос бўлган инфляцион жараёнларга бардошлилик камайиб бориб, иш билан банд этиш

муаммолари жиддийлашмоқда. Бу эса аҳолиси зич жойлашган Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари бир томондан ишчиларга иш ҳақининг вақтида тўланмаётганлиги туфайли ижтимоий ҳимоя масалаларига жиддий эътибор берилмаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан қурилиш материалларининг етказиб беришда ўзига ҳос қийинчиликлар юзага келмоқдаки, қўшимча харажатларнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Натижада, қурилиш объектларида қурилиш жараёнларининг чузилиб кетиши, ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётганлиги кузатилмоқда.

Энг эътиборлиси жойларда айрим раҳбарлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик элементлари сақланиб қолганлиги бўлиб, ҳужжатлаштириш доирасидаги айрим ишларни амалга оширишда мураккаб вазиятлар юзага келмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз:

Биринчидан, фикримизча, қурилиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда фақат ишчилар сонига қараб табақалаштириш етарли эмас. Бунинг учун бошқа параметрларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, устав капиталининг ҳажмига ёки айланма капитал ҳажмининг миқдорига қараб ҳам корхоналарни кичик ва ўрта миқёсларга ажратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес корхоналар фаолиятини фаоллаштиришда муҳимдир.

Иккинчидан, “Савдо-саноат палатаси” томонидан менежмент асосларидан ўқитиш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда вилоятдаги олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш зарур. Бу айтиш бозор иқтисодиётидаги мураккаб жараёнларда қулай мослашувчанликни ошириш учун муҳимдир. Чунки бозор муҳити янгича бошқарувни, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Учинчидан, бозорга ҳос ғавқулоддаги ўзғаришларга мос корхоналар фаолиятини кучайтириш мақсадида маркетинг бўлимларининг фаоллигини ошириш керак. Афсуски, илмий тадқиқотларимиз далилларида келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўпчилик корхоналарда (айниқса ўрта корхоналарда бу жуда зарур) маркетинг бўлимлари халигача ташкил этилмаган.

Тўртинчидан, қурилишга оид лойиҳа-смета ишларини пухта тайёрлаш, уни тайёрлашда инфляциян жараёнларни олдини олувчи чоратadbирлар қурилган бўлиши керак. Шунда қўшимча харажатлар хажми камаяди. Объектларни белгиланган муддатда топширилишига замин тайёрланган бўлади.

Бешинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш борасидаги давлат сиёсатига риоя қилган ҳолда, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашни кучайтириш мақсадга тўғридир. Бу эса республикада бозор қонуниятларига амал қилинаётганлигини аниқ далил сифатида намоён этади.

Ушбу тавсияларни амалда қўлланилиши, муайян даражада кичик бизнес корхоналар фаолиятини ташкил этишдаги муаммоларни ҳал қилишда самара беради деб ҳисоблаймиз.

III БОБ. ЖАХОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Наманган вилояти қурилиш тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқарувини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиёти механизмини энг муҳим йўналишларидан бири бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал қурилишда бошқариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги фармони бозор негизларида қурилиш комплексини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни бошқаришни бозор шароитидаги ташкилий тузилмасини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири уни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ҳисобланади. Ташкилий тузилмани босқичма босқич ислоҳ қилишнинг асосий мақсади мослашувчан ва самарали бошқарув тизимига эришишдан иборат.

Қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтиши ташкилот ва корхоналарда хўжалик юритиш услуб ва шаклларининг ўзгаришлари билан олиб борилишини тақозо этади. Ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларидан бири-бу давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир. Бу жараён Наманган вилояти қурилиш мажмуасида иқтисодий ислохотларни ажралмас қисми сифатида амалга оширилмоқда.

3.1-жадвал

Наманган вилояти қурилиш тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик
тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

млн. сўм

	Йиллар			2007 йилга нисбатан 2008 йилда ўсиш
	2006 йил	2007 йил	2008 йил	
Қурилиш ишларининг умумий ҳажми	63513,4	130992,5	171140,6	116,4
Шундан:				
1. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан бажарилган ишлар- ҳами	49313,5	94923,0	140225,6	127,2
Кичик тадбиркорлик томонидан бажарилган ишларнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	77,6	72,5	79,2	
1.1. Кичик корхоналарнинг иш ҳажми	2773,6	14658,7	24354,5	143,6
Кичик корхоналар томонидан бажарилган ишларнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	4,4	11,2	13,7	
1.2. Микрофирмаларнинг иш ҳажми	8406,4	20782,9	34308,4	142,0
Микрофирмалар томонидан бажарилган ишларнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	13,2	15,9	19,4	
1.3. ИЖС лар томонидан бажарилган ишлар ҳажми	36894,1	59481,4	81481,7	118,0
ИЖСлар томонидан бажарилган ишларнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	58,1	45,4	46,0	
1.4. Норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми	1239,4	6704,8	10163,6	126,0
Норасмий секторнинг умумий қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши	1,9	5,1	5,7	
Хусусий кичик корхоналарда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (фуқороларнинг мулки)	1180,0	13948,0	13948,0	
Хусусий кичик корхоналарда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши, %	17,6	10,6	10,6	

3.1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналар сонига кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг салмоғи ва бажарилган қурилиш монтаж ишларида уларнинг ҳиссасини ўсиб бораётганлигини кўрамиз.

Бозор иқтисодиётини бошқаришнинг марказий муаммоларидан бири бу бозор иқтисодиёти шартларига тўлиқ жавоб бера оладиган бошқарувнинг ташкилий-хўжалик юритиш механизмини яратишдир. Қурилиш миқёсида иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий хўжалик механизмларини ислоҳ қилиш ва уни ўзгартириш айнан шу нўқтаи назардан кўриб чиқилади.

Шунинг учун ҳам, қурилишда бозор ислохотларини амалга оширишда фаолиятнинг барча жиҳатларини унинг таркибига кирувчи барча тузилмалар, шунингдек уларнинг бош бўғини-пудрат қурилиш ташкилотларида ҳам ўзгаришларни талаб қилади.

Таҳқиқотларимизнинг кўрсатишича фаолият кўрсатишда нобозор ташкилий-иқтисодий механизмни сақланиб қолинаётганлиги юқори самарадорликни таъминламайпти. Капитал қурилишда хўжалик юритиш ва ўзаро алоқаларда бозор механизми ханузгача ҳал қилувчи шаклга айланганича йўқ. Объектларда лойиҳалаштириш билан паралел равишда молиялаштириш билан таъминланмаган объектларда ишларни бажариш амалиёти ҳалигача давом этмоқда. Охир-оқибатда бу қурилиш таннархининг қимматлашуви ва қурилиш ташкилотларининг дебиторлик қарзларини ўсишига олиб келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида турли хил мулк шаклларидаги мустақил қурилиш ташкилотлари ва корхоналари қурилиш мажмуасининг асоси ҳисобланади. Бундай шароитда ҳар бир ташкилот (корхона) ўз манфаътларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатади ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мураккаб хилма-хил шакллари ташкил этади.

Давлат корхоналарини очик ҳиссадорлик жамиятларига айлантиришда корхоналарнинг давлат тассарруфидан чиқарилишидаги чекловлар камайтирилмоқда ҳамда корхоналар хусусийлаштирилгандан кейинги даврда ҳам уларни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштирилаётган корхонанинг қайта тузилишига бу жараёнларда республика аҳолисининг кенг иштирокида қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг ушбу босқичидаги энг мухим натижалардан бири-кенг аҳоли қатламида эгалик, мулкдорлик туйғусининг қайта тикланиш жараёнининг ривожланиши, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона, кўчмас мулк, ер участкалари, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар умуман, даромад келтирувчи мулк эгаларининг шаклланишидир.

Фикримизча, қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

қурилиш мажмуасини ислоҳ этиш ва қайта тузишни чуқурлаштиришга доир чора тадбирларни амалга ошириш;

хусусийлаштиришни қўллаб қувватлаш орқали хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш;

халқ хўжалиги тармоқлари, асосан қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш;

жойларда бозор инфратузилмасини интенсив ривожлантириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан аълоқаларни мустахкамлаш;

самарадор мулкдорлар синфини шакллантириш;

соғлом қимматбаҳо қоғозлар ва кўчмас мулк иккиламчи бозорларини шакллантириш;

қурилишда моддий техника таъминоти тизимини такомиллаштириш;

олдинга қўйилган мақсадлар, вазифаларни ечиш корхоналар, бирлашмалар, концерн ва бошқа қурилиш тармоқлари бошқарув тузилмаларини қайта тузишни давом эттириш орқали амалга оширилади.

Қурилиш тармоғини қайта тузиш-ушбу иқтисод тармоғини бутун кўринишини аниқлаб берувчи кўпқиррали жараёндир.

Бошқарув фаолияти соҳасида кечаётган ўзгаришларнинг бош моҳияти унинг маъмурий ҳокимиятдан мулкдор эгаллигига ўтишидир.

Чунки, турли хил мулк шакллари бўлар экан, ҳар бирини бошқариш ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бошқарувнинг (хусусан, ташкилий тузилмаларни) муаммосини ташкилий ислоҳ қилишнинг илмий вазифаси сифатида олға суришга интилиш менежментнинг замонавий назарияси ва амалиётида муҳим хусусиятлардан ҳисобланади.

3.2. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали уни самарадорлигини ошириш

Республикамиз Президенти И.А. Каримов “2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади”¹⁴ деб белгилаб бердилар.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов “...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози


¹⁴ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”¹⁵ деб таъкидлайдилар.

Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда (3.1-чизма).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. Сўм



3.1-чизма

¹⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 46 б.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узок муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи миқдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5%дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли “Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий

талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”¹⁶ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг коммиссион харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;
- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;
- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та

¹⁶ Халқ сўзи. 2008 йил, 4 март

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайитиш кўзда тутилган.

3.3 Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохатларининг устивор йўналишларидан бири – бу кичик бизнес хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида молиявий жиҳатидан бақувват кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва бошқа миллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёжи ҳалқ истеъмоли товарларини

назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки “Пахта банк”, “Ўзсанотқурилишбанк”, “Асакабанк”, “ЎзПриватбанк”, “Ўзуйжойжамғарма-банк”, “Ипакйўлибанки”, “Парвинабанк”, ва “Хамкорбанк” томонида кичик ва хусусий бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Бу соҳада эришилаётган ютуқларииздан ташқари айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган техник иқтисодий асоснома (ТИА) ларнинг яхши ишланмаганлиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикишига асосий сабаб бўлмоқда. Аксарият ҳолларда тақдим этилган ТИА ларда сотиб олинadиган хом-ашёлар нархларининг камайтирилиб кўрсатилиши, сотиб олинadиган технологик ускуналар ҳамда солтиладиган маҳсулотлар нархларининг реал нархларга нисбатан ошириб кўрсатилиши ТИА ларнинг қайта тайёрлашига ва тадбиркорликнинг ортиқча вақт сарфлаб овора бўлишига сабаб бўлмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқуллаган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот тақдим этилмаганлиги сабабли улар лойиҳаларини молиялаштириш кечикмоқда.

Хозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш характеридаги) ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;

– кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас балки ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-80 фоизгача миқдордаги кафиллик бериш орқали ўз ечимини топади.

Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб кредит берилишида таъминотнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида, кичик ва хусусий тадбирокрликни риволантиришни рағбатлантириш бўйича Республика муваффақлаштирувчи кенгашнинг 2003 йил 25 июндаги йиғилишида молия вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирликларга кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат фондини тузиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Давлат кафолат фондини ташкил этишдан асосий мақсад, кредит олишда таъминоти бўлмаган ёки қисман бўлган тадбиркорлик субъектларига кафолат берадиган молиявий институтни вужудга келтиришдир.

Ушбу фонд банк депозитига қўйиладиган кафолат капиталига эга бўлиб, қарздор кредит бўйича тўловларни амалга оширишга ноқобил бўлиб қолган тақдирда, уни тўлаш манбаси бўлиб хизмат қилади. Жамғарма томонидан кафолат бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин, унга қарздордан кафолат бўйича банкка тўланган суммани олиш ҳуқуқи ўтади.

Тадбиркорлик субъектларининг кафолат фондига ёки фонд билан ҳамкорлик қилаётган банкка тақдим қилган аризаси унга кафолат беришга асос бўлиб хизмат қилади. Кафолатлар фақатгина асосий қарз бўйича ва тўлов асосида берилади. Ташкил этиладиган фонд, бозор иқтисодиёти

шароитида мамлакат ҳудудлари ва тармоқларида капитал қўйилмаларини тақсимлайдиган инструмент бўлиб хизмат қилади. Фонд ушбу вазифани миллий иқтисодиёт ёки маълум бир ҳудуднинг ривожланиш дастури ва концессиясига мос тушадиган инвестицияларнинг қайтиши учун кафолат бериш йўли билан бажаради.

Давлат кафолатлари одатда, инвесторлар томонидан ҳар томонлама ишончли восита сифатида тан олинади.

Фонд томонидан 100 фоизли кафолатларнинг тақдим қилиниши мумкин эмас. Сабаби, бундай ҳолат қарздорлар фаолиятининг нораціонал қилиб қўяди, яъни кредиторлар таваккалчиликни жиддий таҳлил қилмаслиги ва инвестициянинг ўзини оқлаш даражасини ҳисобга олмаслиги мумкин. Шунинг учун қарз олувчи тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда фонд томонидан инвестициянинг ўртача 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафолат бериш тартибини ўрнатиш мақсадида мувоффақ бўлади. Миллий иқтисод манфаатлари нуқтаи назаридан муҳимроқ ҳисобланган инвестициялар учун мазкур меъёр оширилиши, муҳимлик даражаси пастроқ бўлган лойиҳалар учун камайтирилиши мумкин.

Кредитларни кафолатлаш нафақат қарздорни турли молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилади, у ҳаттоки бутун тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг муҳим инструменти сифатида ҳам хизмат қилади. Чунки, давлат кафолат жараёнида иштирок этиб кредиторлар билан биргаликда таваккалчиликни ўзаро ўртада тақсимлаган ҳолда кредит маблағларини жалб қилишни тезлаштиради.

Хорижда кафолатлаш тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг оммавий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади ва давлат кафолат фондларининг асосий таъсисчиси сифатида катнашади.

Ҳозирги кунда АҚШ Кичик бизнес Администрацияси (The Small Business Administration), Канада кичик бизнес кредитлари тўғрисидаги қонуни тизими (SBLA), Буюк Британиядаги Кредит кафолати тизими

(LGS) фаолият юритишмоқда. Кафолатлаш тизими 1994 йилдан бошлаб Германия, Бельгия, Испания, Франция ва Италия давлатларида ҳам ўз фаолиятини амалга ошира бошлади. Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатларда, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия давлатларида мазкур амалиёт 30 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, Малайзияда 1971 йилдан ва Индонезияда 1972 йилдан бошлаб давлат кафолат тизими амал қила бошлаган.

Ушбу давлатларнинг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибасидан биз кўплаб фойдали жиҳатларини олсак бўлади. Осиёдаги кафолатлаш тизимларининг барчаси давлат савб-ҳаракатлари асосида ташкил қилинган корпорациялар юмонидан бошқарилади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондининг бошланғич маблағини эса қуйидаги маблағлар, яъни:

- давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;
- давлатнинг бошқа ликвидли активлари (акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари);
- жамғарма фаолиятининг даромадлари;
- ҳомийлик ажратмалари ҳисобига шакллантириш мумкин.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларига кредитлар берилишида таъминотнинг етишмаслик муаммосини ҳал этиш мақсадида кичик бизнесни қўллаб қувватлаш Давлат кафолат фондини тузиш мақсадга мувофиқдир

Бу эса мамлакатимизга жалб қилинадиган хорижий инвестициялар миқдорининг ортишига ва уларнинг ўзлаштирилишининг тезлашишига олиб келади. Натижада банкларимиз билан хорижий кредит муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада самарали бўлади ҳамда маҳаллий хом ашёлар негизида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажми ортади ва кўплаб янги ишчи ўринлари яратилади.

4-Боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

4.1. Курилиш соҳасида кичик бизнес субъектларида ҳаёт хавфсизлигини ташкил этиш.

Жамиятни асосий ривожлантирувчи ва ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи куч, инсон эканлигини ҳисобга олиб, унинг ишлаб-чиқариш, ҳаёт фаолиятини сақлаш ижтимоий-иқтисодий тараккиёт йулидаги муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам меҳнат муҳофазаси фанининг саноат корхоналаридан, муассасаларидан муҳим аҳамият қашф этувчи талаби факатгина маҳсулот ишлаб-чиқариш бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқариш саноат корхоналарида жароҳатланиш, шикастланиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини келиб чиқиш манбаъларини йукотиш, иш фаолияти инсон учун чарчаш, толиқиш бахтсиз фожияли ҳолатларни ва касалланиш келтириб чиқариш манбаи бўлмасдан, балки қувонч ва бахт келтирувчи фаолият бўлишни таъминлашга қаратилган фандир. Меҳнат жараёнларида инсонни хавфсизлигини, соғлиги ва иш қобилиятини сақлашни таъминлайдиган қонунчилик актлари ва уларга мос социал-иқтисодий, техникавий, гигиеник даволаш профилактика ва ташкилий тадбирлар системаси меҳнат муҳофазаси деб айтилади.

Инсон иш вақтида узлуксиз меҳнат қилиш жараёнида хавфсиз ва соғлом меҳнат қилиш қобилиятини сақлашга қаратилган қан бўлиб, бу мақсадга иш муҳитида меҳнат шароитларини меъёрида таъминлаш, оғриқ кул қучи билан бажариладиган меҳнатни тугатиш унинг урнига, ақлий меҳнат ролини ошириш билан жароҳатланиш, шикастланиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини бутунлай тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида эришилади.

Ишлаб-чиқариш санитариясига меҳнат гигиенаси ва санитар техникаси қиради. Буларга шамоллаштиш дастгоҳлари, тармоқлари ва

курилмалари, хавони тозалаш, газ, сув билан таъминлаш, окава сувларни тозалаш иншоотлари, ёруглик билан таъминлаш, кишиларни шовкин, титраш, нурланиш таъсиридан муҳофаза қилиш, санитар ва маиший бонолар ва курилмалар, ишлаб-чиқариш технологияси, климатологияси ва бошқалар қиради.

— меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунчилик-бу меҳнат тугрисидаги кодексини бир қисми ҳисобланади;

— ут олиш ва портлаш унинг оқибатларини камайтириш ва олдини олишга қаратилган техникавий ташкилий тадбирлар системаси ҳисобланади;

— техника ҳавфсизлиги бу ишлаб-чиқаришдаги кишиларга ҳавфли омилларни таъсир қилиш ҳавфини олдини олишга қаратилган техникавий, ташкилий тадбирлар ҳисобланади;

— ҳавфсизлик техникаси бу ишлаб-чиқаришдаги тайёр урнатилган дастгоҳ ёки технологиядан фойдаланиш қоида ва талабларга риоя қилиш талаблари ҳисобланади;

— бахтсиз ҳодиса- бу ишлаб чиқаришдаги кишиларни уз меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида ҳавфли омилларни таъсир қилиш натижасида уз соғлигини қисман ёки тула йукотиши ҳисобланади;

— ишлаб-чиқариш шкастланиши бу ишлаб-чиқаришда ишчининг меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида яъни ишлаб-чиқариш ҳавфи бўлмаган шароитда қелиб қиккан ҳодиса ҳисобланади;

— қасб қасалликлари бу қоникарсиз иш шароитларида ишлаш натижасида қелиб қиккан қасалликлар қасаб қасалликлари дейилади: (қасбий захарланиш, нурланиш ва бошқалар сохалар бўйича).

Инсон иш вақтида узлуксиз меҳнат қилиш жараёнида ҳавфсиз ва соғлом меҳнат қилиш қобилятини сақлашга қаратилган фандир.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга доир

конституцион асос яратилади ва 1992 йил 8 декабрда Мустакил Узбекистон Республикасининг конституцияси қабул қилинди.

Конституциянинг XI-бобида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоялашга қаратилган бўлиб 30, 37, 38, 39 моддаларида ҳар бир инсонни меҳнат қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда коллектив(жамоа) шартномаларида, яъни ишчилар жамоаси ва хизматчилар томонидан қасаба уюшмалари ва администрация(маъмурият) билан тузилган ҳар йилги шартномаларда меҳнат муҳофазаси аниқ(конкрет) вазифалар қурсатилиши лозим.

Меҳнат муҳофазаси қонуни моддалар бўйича ишлаб чиқариш корхоналари меҳнат муҳофазаси учун урнатилган тартибда маблаг ва бошқа воситалар ажратади. Бу ажратилган маблаг ва жихозларни бошқа мақсадлар учун ишлатиш қатъан тақиқланади.

Меҳнат муҳофазаси қонунчилиги корхоналар бошқарувига қуйидагиларни юқлайди:

1. Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши, янгидан янги технология ва машина-механизмларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар-бир ходимнинг юқори малакали техника қоидаларини тушунадиган ва унга амал қиладиган бўлишларини талаб қиладди. Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги ҳамма ишчи, хизматчилар ва бошқа категориялардаги кишиларга турли қўрсатмалар(инструкция) ўтқизиш ва уларга меҳнат муҳофазаси, қоидалари, ишлаб чиқаришнинг бошқа қоидаларини ўрганиш.
2. Ишчиларни мутахассислик малақасига, бажарадиган ишига мос ишга тайинлаш.
3. Ишчиларни меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилишларини доим текшириб туришни таъминлаш.

4. Саноат корхоналарининг хилма-хиллигига, хатто маълум бир саноат корхона шартлари бир-бирига ухшаш эмаслиги сабабли ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминловчи курсатмалар, иш усуллари урганиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ўз ичига олиши лозим.

Ҳамма саноат корхоналарида, муассасаларда ҳар қандай категорияларда бўлишидан, хавфли даражаси юқори ёки паст бўлишидан меҳнат стажи ортиқ кам бўлишидан қатъий назар, улар тегишли курсатмадан ўтиши албатта лозим.

Меҳнат муҳофазаси бўйича курсатмаларнинг бир неча турлари мавжуд: ГОСТ 12.1.004-79

1. Кириш ёки бошланғич курсатма(вводный инструктаж) ишга янги қираётганлар учун, меҳнат сафарига келганлар, меҳнат амалиётининг ўтаётганлар талаба ва ўқувчилар ўтиши лозим. Бундай курсатманинг асосий вазифаси ишга қираётган кишини меҳнатини ҳимоя қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси, гигиенаси тугрисида маълумот бериш уни саноат корхона территориясида ва цехларга тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш инструкцияси қурғазмалли қуроллар билан яхши жихозлаган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери(муҳандис) томонидан ўтказилади.
2. Бирламчи ёки иш жойидаги(первичный инструктаж)курсатма янги ишга келган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган ва уларнинг вақтидан қатъий назар иш жойидаги(инструкция) йуриқномада (инструкциядан) ўтказилиши шарт. Иш жойидаги инструкторни мастр ёки бригадир ўтказади.

3. Вакти-вакти билан ёки кайта йўриқнома (повторный инструктаж). Бундай инструкцияни утказиш вақтини фабрика, завод профсоюз камитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхоналари раҳбарлари белгилайди. Бу курсатмани утказишдан мақсад ишчи-хизматчилар хотирасида меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва талабларни қайта тиклаш ва аниқ иш жойида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш мақсадида утказилади. Мазмун иш жойида утказиладиган инструкция сингари малаксаи, иш стажи, разрядидан катъий назар ҳамма ишчилар ўтиши шарт.(ҳар чоракда).

4. Режадан ташқари(внеплановой инструктаж). Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ёки янги материаллардан фойдаланиш натижасида шу шароитнинг ўзгариши сабабли ишчиларнинг ҳавфсизлигини сақлаш учун билимларини етмаслиги сезилганда, меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганда, яъни бирор ишчи жароҳатланганда, авария содир бўлганда, ишчилар маълум вақт ишламай қуйганда ва бошқа зарур ҳолатларда шунингдек, касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар юз берганда, ёки ҳавфли юқумли касалликлар ҳавфи тугилганда утказилиши мумкин.

5. Кундалик ёки жорий инструктаж(постоянный). Наряд допуск бажариладиган ҳавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин утказилади.(ишлаш учун рухсатнома журналига қайдномаларга қайд қилинади.).

Меҳнат муҳофазасини ташкил қилишдан асосий мақсад корхоналарда ҳавфсиз иш шароитларини таъминлаш, инсон учун ҳавфли, зарарли омиллар билан таништириш ва ҳимоя усулларини ўргатиш. Шу билан биргаликда ишчиларни турли касалланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборат.

Корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида корхоналарда ходимлар сони 50 нафар ва ундан

ошадиганда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилади ва лавозимлар жорий этилади. 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса йул ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади ва лавозимлар жорий этилади.

Хулоса

Иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик ва хусусий бизнесни устивор ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини асослаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан кичик ва хусусий бизнес корхоналарини ривожлантириш ва тартибга солиш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти бугунги кунда мавжуд. Асосий муаммолардан бири кичик ва хусусий бизнес фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд бўлган имкониятларни ишга тушириш, улар фаолияти унумдорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Наманган вилоятида кичик ва хусусий бизнеснинг истиқболдаги ривожланиши ва самарадорлигини ошириш юзасидан асосан қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

бугунги кунда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш ва имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожини ва минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётини уйғун тарзда амалга ошириш, бу борада ташкилий, услубий ва бошқа тадбирларни кенг юзага чиқариш;

кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик ва хусусий корхоналар учун мутахассислар, айниқса бошқарувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш ҳамда ахборот консалтинг тизимини мустаҳкамлаш;

кичик ва хусусий бизнеснинг техник даражасини кўтариш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ва инновацион жараёнларни кучайтиришни таъминлаш;

кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш учун қулай иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, айниқса кредит олиш, банк-молия тизимлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, уларнинг хом ашё ва бошқа моддий ресурслар бозорига объектив кириб боришларини кенгайтириш ҳамда кичик ва хусусий бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда кенг сотилишининг оптимал механизм ва тизимларини йўлга қўйиш;

Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш борасида қатор иқтисодий-ташкилий механизмларни такомиллаштириш талаб этилади. Бу борада молиявий лизинг, молия, кредит ва бошқа механизмлардан кенг фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу таклифларни амалга оширилиши: кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш; уларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган асосий фондлар билан таъминлаш; мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан унумли фойдаланишни таъминлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Наманган вилоятида 2009 йил 1 январ ҳолатига қурилиш тармоғида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар 105 тани, яъни рўйхатга олинганга нисбатан 90,5 фоизни ташкил этса, фаолият кўрсатувчи микрофирмалар 1080 тани, яъни рўйхатга олинганга нисбатан 75,4 фоизни ташкил этади, ташкил этилган микрофирмаларнинг 24,6 фоизи фаолият кўрсатмаяпти.

Сабаби, аксарият кичик бизнес корхоналарда иш жараёнларини ташкил этиш қониқарли ҳолатда бўлмаяпти. Раҳбар билан ишчилар ўртасидаги ички муҳит муносабатлари эскича андозалардан ҳолис бўла олмаяпти. Шартномалардаги тартиббузарлик ҳолатлари, тўловларнинг вақтида тўланмаётганлиги, бошқаришдаги тажрибасизлик, ханузгача янгича иқтисодий муносабатларни тушунмаслик кўп корхоналарни стресс

ҳолатига тушуриб қўймоқда. Шунингдек, корхоналар муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларга қарши стратегик режалаштириш ишлари заиф амалга оширилмоқда. Оқибатда бозор иқтисодиётига ҳос бўлган инфляцион жараёнларга бардошлилик камайиб бориб, иш билан банд этиш муаммолари жиддийлашмоқда. Бу эса аҳолиси зич жойлашган Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари бир томондан ишчиларга иш ҳақининг вақтида тўланмаётганлиги туфайли ижтимоий ҳимоя масалаларига жиддий эътибор берилмаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан қурилиш материалларининг етказиб беришда ўзига ҳос қийинчиликлар юзага келмоқдаки, қўшимча харажатларнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Натижада, қурилиш объектларида қурилиш жараёнларининг чузилиб кетиши, ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётганлиги кузатилмоқда.

Энг эътиборлиси жойларда айрим раҳбарлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик элементлари сақланиб қолганлиги бўлиб, ҳужжатлаштириш доирасидаги айрим ишларни амалга оширишда мураккаб вазиятлар юзага келмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз:

Биринчидан, фикримизча, қурилиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда фақат ишчилар сонига қараб табақалаштириш етарли эмас. Бунинг учун бошқа параметрларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, устав капиталининг ҳажмига ёки айланма капитал ҳажмининг миқдорига қараб ҳам корхоналарни кичик ва ўрта миқёсларга ажратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес корхоналар фаолиятини фаоллаштиришда муҳимдир.

Иккинчидан, “Савдо-саноат палатаси” томонидан менежмент асосларидан ўқитиш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда вилоятдаги олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш зарур. Бу айтиш бозор иқтисодиётидаги мураккаб жараёнларда қулай мослашувчанликни ошириш учун муҳимдир. Чунки бозор муҳити янгича бошқарувни, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Учинчидан, бозорга ҳос фавқулоддаги ўзгаришларга мос корхоналар фаолиятини кучайтириш мақсадида маркетинг бўлимларининг фаоллигини ошириш керак. Афсуски, илмий тадқиқотларимиз далилларида келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўпчилик корхоналарда (айниқса ўрта корхоналарда бу жуда зарур) маркетинг бўлимлари ҳалигача ташкил этилмаган.

Тўртинчидан, қурилишга оид лойиҳа-смета ишларини пухта тайёрлаш, уни тайёрлашда инфляция жараёнларни олдини олувчи чора-тадбирлар қурилган бўлиши керак. Шунда қўшимча харажатлар ҳажми камаяди. Объектларни белгиланган муддатда топширилишига замин тайёрланган бўлади.

Бешинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш борасидаги давлат сиёсатида риоя қилган ҳолда, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашни кучайтириш мақсадга тўғридир. Бу эса республикада бозор қонуниятларига амал қилинаётганлигини аниқ далил сифатида намоён этади.

Ушбу тавсияларни амалда қўлланилиши, муайян даражада кичик бизнес корхоналар фаолиятини ташкил этишдаги муаммоларни ҳал қилишда самара беради деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

қурилиш мажмуасини ислох этиш ва қайта тузишни чуқурлаштиришга доир чора тадбирларни амалга ошириш;

хусусийлаштиришни қўллаб қувватлаш орқали хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш;

халқ хўжалиги тармоқлари, асосан қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш;

жойларда бозор инфратузилмасини интенсив ривожлантириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан аълоқаларни мустахкамлаш;

самарадор мулкдорлар синфини шакллантириш;

соғлом қимматбаҳо қоғозлар ва кўчмас мулк иккиламчи бозорларини шакллантириш;

қурилишда моддий техника таъминоти тизимини такомиллаштириш;

олдинга қўйилган мақсадлар, вазифаларни ечиш корхоналар, бирлашмалар, концерн ва бошқа қурилиш тармоқлари бошқарув тузилмаларини қайта тузишни давом эттириш орқали амалга оширилади.

Қурилиш тармоғини қайта тузиш-ушбу иқтисод тармоғини бутун кўринишини аниқлаб берувчи кўпқиррали жараёнدير.

Бошқарув фаолияти соҳасида кечаётган ўзгаришларнинг бош моҳияти унинг маъмурий ҳокимиятдан мулкдор эгалигига ўтишидир.

Чунки, турли хил мулк шакллари бўлар экан, ҳар бирини бошқариш ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бошқарувнинг (хусусан, ташкилий тузилмаларни) муаммосини ташкилий ислоҳ қилишнинг илмий вазифаси сифатида олға суришга интилиш менежментнинг замонавий назарияси ва амалиётида муҳим хусусиятлардан ҳисобланади.

Ушбу тавсияларни амалда қўлланилиши, муаян даражада кичик бизнес корхоналар фаолиятини ташкил этишдаги муаммоларни ҳал қилишда самара беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: маъсулиятли боскич. Т.: Ўзбекистон, 1994. 46-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. 686-бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1995.- 269-б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1996. 32-б
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 326-б.
6. Каримов И.А.нинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ, биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. 23 январ. 2000. №17.
7. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. // Халқ сўзи. 15 феврал. 2002. №34(2862).
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
10. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

11.Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.

12.Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

13.Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

14.Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

15.Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

16.Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

- 17.2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури // Халқ сўзи, 2008 йил 12 февраль.
- 18.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.
- 19.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.
- 20.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 2007 йил 24 январь.
- 21.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.
- 22.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.
- 23.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

24. Авилова А. Государственная поддержка мелкого и среднего бизнеса в развитых страна. // Год планеты. М.: Республика, 1994. 313-315 стр.
25. Джалилова Ю. Большие проблемы малых предприятий. // Жизнь и экономика. № 12, 1992. стр. 26-27.
26. Исхаков А., Омонов О. Что нужно малому бизнесу. // Частная собственность. 1992. 2-3 стр.
27. Касымов С. Проблема организации и функционирования малого и среднего бизнеса в Узбекистане. // Экономика и статистика. №8, 1995. 39-34 стр
28. Краюхин Г.А., Гурорье А.Д. и др. Малые предприятия в условиях рынка. Т.: Узбекистан, 1991. 192 стр.
29. Кулобов М. Большие проблемы малого предпринимательства. // Частная собственность. №7 (91), 1997. 45 стр.
30. Мадрахимов К. Тараққиёт сари ташланган қадам. Жамият ва бошқарув. №4. 2001. 50-53 б.
31. Муминов Н. ва бошқ. Кичик ва ўрта бизнес стратегияси. 1 ва 2 қисм. Т.; «Кибернетика», 1999.
32. Регулирование малого и среднего бизнеса. // Частная собственность. №24 (212), 1999 стр-2.
33. Санакулова Б., Кудратов Х. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 9. 2001. 47-48 бетлар.
34. Узоқов Н. Кичик ва ўрта бизнеснинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №12. 2001. 35-36 бетлар.
35. Ҳалимов М. Кичик бизнес имкониятларини кенгайтириш омиллари. // Бозор, пул, кредит. №2. 2002. 26-28 бетлар.
36. Халқ сўзи. // 9 апрел, 2002. №75(2903).
37. Халқ сўзи. // Мўъжизакор «митти»лар 10 апрел, 2001. №70.

38. Худойбердиев З. Кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашни замонавийлаштириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №9, 2001. 52-53 бетлар.
39. Шепелев В. Форма деятельности разная, а сущность одна. // Частная собственность. №44 (128), 6-7 стр.
40. Эргашев Т., Исмамов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. Т.; «Шарқ», 2001. 176 бет.
41. Экономическое обозрение: Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес: ҳозирги аҳволи, муаммолари, истикболи. №3 (13). 2000. 81-87 бетлар.
42. Экономическое обозрение: Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес: ҳозирги аҳволи, муаммолари, истикболи. №4 (14). 2000. 92-95 бетлар.
43. Экономическое обозрение: Кичик бизнес ва инсон тараққиёти. №3 (19) 2001. 57-61 бетлар.
44. Экономическое обозрение: Кичик бизнес ва инсон тараққиёти. №4 (20) 2001. 61-63 бетлар.
45. Қодиров А. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. Бозор, пул, кредит. №2, 2001. 61-64 бетлар.
46. Файбуллаев Р., Мамараимов К. Тадбиркорлик тузилмаларини молиялаш ва кредитлаш. // Бозор, пул, кредит. №1. 2002. 55-57 бетлар.
47. Фафуров У.В. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасини белгилаш ва рағбатлантиришнинг айрим жиҳатлари. // Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг айрим муаммолари. Т.: Фан, 1997-1998. 26-35 б.
48. Ўзбекистоннинг 2007 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2008. - 210 б.
38. Ўзбекистоннинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2007. - 212 б.

Интернет сайтлар

- 39. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти
- 40. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.
- 41. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти
- 42. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
- 43. www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти
- 44. www.omad.uz – Бизнес ривожига учун ахборот портали.

Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар

- 1. А.Эргашев., О.Эсоналиев. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари. НамМПИ. 2009 йил.
- 2. Т.Э.Эргашев., А.Эргашев., О.Эсоналиев. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш йўллари. НамМПИ. 2009 йил

